

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**19-сон**  
**(311)**  
**2008 й.**  
**май**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

**МУНДАРИЖА**

*Учинчи бўлим*

155. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 81-сон қарори
156. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 82-сон қарори
157. «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 83-сон қарори
158. «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 6 майдаги 86-сон қарори

159. «Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги 87-сон қарори
160. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ–111-сонли Қонуни)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги 89-сон қарори
161. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 27 мартдаги ПҚ–823-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги 90-сон қарори
162. «Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги 92-сон қарори

—

*Бешинчи бўлим*

+

163. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 2 майдаги 52, 46, ЭГ-01/19-2784, 01-02/8-38-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 3 майда 1802-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
164. «Табий монополия субъектлари томонидан асосий воситаларни сотиб олиш ёки бериш бўйича битимларни амалга ошириш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 25 апрелдаги 8-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 3 майда 913-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
165. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкларга ломбард кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 12 апрелдаги 9/8-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 3 майда 501-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

166. «Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 21 апрелдаги 01-02/19-34-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 5 майда 1803-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
167. «Умумий ўрта таълим мактаблари 11-синфлари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати мониторингини ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2008 йил 22 апрелдаги 01-128/ҚҚ, 16, 14/ҚҚ-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 5 майда 1804-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
168. «Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунингдек, Қўнғирот участкаларига оид маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги Битимни бажариш доирасида қазиб олинган нефть ва газ хом ашёсини олиб чиқишни божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2008 йил 17 апрелдаги 01-02/12-21, ЭГ-01/10-1497, 45-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 5 майда 1805-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
169. «Пуллик тиббий хизмат кўрсатишга босқичма-босқич ўтаётган даволаш-профилактика муассасаларини молиялаш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 23 апрелдаги 35, 5-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 5 майда 679-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 3 майдан 8 майгача бўлган маълумот

**УЧИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ****155 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
Ижро этувчи аппарати тўғрисидаги низомни тасдиқ-  
лаш ҳақида**

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 9 апрелдаги ПҚ-834-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси С.Х. Бекенов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 2 май,  
81-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 2 майдаги 81-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
Ижро этувчи аппарати тўғрисида  
НИЗОМ****I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 9 апрелдаги ПҚ-834-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро

этувчи аппаратининг (кейинги ўринларда Ижро этувчи аппарат деб юритилади) вазифалари, функциялари ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ижро этувчи аппарат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Ижро этувчи аппарат республика Ҳукумати фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлайди, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди, уларни амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда тизимли равишда ижрони назорат қилади.

4. Ижро этувчи аппарат ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

5. Ижро этувчи аппарат унга юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати девонлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

## II. Ижро этувчи аппаратнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Ижро этувчи аппаратнинг вазифалари ҳисобланади:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига берилган ваколатлар амалга оширилишини таъминлаш;

республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларини комплекс таҳлил қилиш, макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикасининг, таркибий ва институционал қайта ўзгартиришларнинг, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижросининг тизимли мониторингини олиб бориш;

макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришни, тадбиркорликни кенг ривожлантиришни, ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлайдиган, шунингдек иқтисодиётни барқарор суръатда ўстиришга, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини изчил оширишга йўналтирилган энг муҳим устувор вазифалар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

марказий иқтисодиёт идораларини ва уларнинг ҳудудий органларини, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини жалб этган ҳолда давлат дастурлари, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат ҳудудларида иқтисодий, ижтимоий ва маъмурий ислохотлар боришининг тизимли таҳлилин ташкил қилиш;

инвестиция дастури, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини модернизация

қилиш, техник жиҳатдан янгилаш ва технологик қайта жиҳозлаш ва маҳаллийлаштириш дастурларининг амалга оширилиши устидан мониторинг тизимини яратиш;

мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан ва унинг иқтисодий хавфсизлигидан келиб чиқиб, республиканинг хорижий давлатлар, давлатларнинг минтақавий бирлашмалари, халқаро иқтисодий ташкилотлар ва молиявий институтлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва республиканинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган ташқи иқтисодий ҳамкорлиги бўйича устувор вазифалар юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

қабул қилинаётган қарорларнинг иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларига, ҳудудларга ва умуман мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қисқа муддатли ва узоқ муддатли таъсирини комплекс баҳолашни ўз ичига оладиган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертиза қилинишини таъминлаш;

ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурлари амалга оширилиши, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимиятининг барча даражаларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари бажарилиши тизимли назорат қилинишини таъминлаш.

7. Ижро этувчи аппарат ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларида ва топшириқларида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматида юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиш талаб қилинадиган масалаларни ҳар томонлама ишлаб чиқади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан республика Ҳукуматида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, халқаро шартномалар ва республика Ҳукуматида кўриб чиқиш талаб қилинадиган бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини киритишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талаблари бажарилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўриб чиқиш учун киритиладиган ва республика Ҳукумати томонидан қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари бажарилиши устидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал қилиш ва иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини, шунингдек республика ҳудудларини динамик ривожлантириш бўйича истикболдаги

вазифаларни амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ (олдини олувчи) чоратadbирларни ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарларига ва Бош вазирга тақдим этади;

иктисодиёт ва ижтимоий соҳанинг муҳим устувор вазифалари, давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

республика Ҳукумати ва унинг Раёсати мажлисларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари иштирокидаги йиғилишлар ва бошқа тadbирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари, кенгашлари ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

республика Ҳукуматининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш режаларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган қонун ҳужжатлари лойиҳалари ва бошқа масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва уларнинг қўмиталари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, шунингдек уларни ялпи мажлисларда муҳокама қилиш ва қабул қилишда қатнашади;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига йўлланган мурожаатларини «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ кўриб чиқади;

махфийлик режимини, давлат сири бўлган маълумотлар ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа ахборотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлайди;

жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинишини ташкил этади;

Ижро этувчи аппарат Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, шунингдек республика Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

### III. Ижро этувчи аппаратнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Ижро этувчи аппарат ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш, шунингдек қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, улар томонидан киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқишни белгиланган тартибда талаб қилиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда Ижро этувчи аппаратга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятининг топшириқларини бажариш бўйича ишларини ўрганиш ва белгиланган тартибда текшириш.

9. Ижро этувчи аппарат:

— ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши учун; +

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларига мувофиқ таклифлар ва лойиҳалар ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши учун;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденциялари, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида иқтисодий ислохотларнинг бориши устидан тизимли мониторинг олиб борилиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилиши ва қарор қабул қилиниши талаб қилинадиган муаммоли масалалар сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши учун;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган ҳулосалар тайёрланиши учун;

республика Ҳукумати томонидан кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган қонунлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳамда қабул қилинган Ҳукумат қарорларини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, республика Ҳукумати қарорлари ва фармойишлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар



Маҳкамаси раҳбарияти топшириқларининг вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي таъминланиши учун жавоб беради.

#### IV. Ижро этувчи аппаратнинг тузилмаси

10. Ижро этувчи аппаратнинг тузилмасига Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ва унинг ўринбосари, Ижро этувчи аппаратнинг таркибий бўлинмалари — мамлакат иқтисодийётининг муҳим комплекслари, тармоқлар ва соҳалари бўйича ахборот-таҳлил департаментлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг котибияти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарларининг аппаратлари, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ва унинг ўринбосарининг котибиятлари, Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси, функционал бўлимлар кирази.

Ахборот-таҳлил департаментлари таркибида шўъбалар, Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси таркибида эса бўлимлар ташкил этилади.

Ижро этувчи аппарат тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланади.

11. Ахборот-таҳлил департаментлари ўз фаолиятида тегишли равишда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ва унинг ўринбосарларига бўйсунди ҳамда айни пайтда уларнинг фаолияти Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштирилади.

Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси, шунингдек функционал бўлимлар бевосита Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига бўйсунди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг котибияти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарларининг аппаратлари тегишли равишда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари фаолиятини таъминлайди ҳамда уларнинг ишлари Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштирилади.

12. Ахборот-таҳлил департаментлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг котибияти, Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси ҳамда функционал бўлимлар тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан, улар ходимларининг функционал вазифалари эса тегишли равишда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ҳамда Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан тасдиқланади.

#### V. Ижро этувчи аппарат фаолиятини ташкил этиш

13. Ижро этувчи аппарат ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисида» 2005 йил 4 февралдаги Ф-2118-сон фармойишига, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи

аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, таркибий бўлинмаларнинг, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

14. Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси:

Ижро этувчи аппарат фаолиятини ташкил этади ҳамда Ижро этувчи аппаратга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва сифатли тайёрлашни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари билан яқиндан ўзаро ҳамкорлик қилади;

экспертиза натижаларига кўра кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига — Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритиш учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари лойиҳалари бўйича — уларга Бош вазирнинг белгиланган тартибда визаси олингандан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти котибиятига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари хизматларига топшириш учун, Ҳукумат қарорлари лойиҳалари бўйича — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири имзолаши учун — ахборот беради;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири имзолаган Ҳукумат қарорларига виза кўяди ва уларнинг чиқарилишини ташкил қилади;

Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш, таҳлилий материалларни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари лойиҳаларини чуқур ва сифатли тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил департаментлари фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда республика Ҳукуматида кўриб чиқиш талаб қилинадиган бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини киритишда ижро этувчи органлар томонидан Регламентнинг белгиланган талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ижро интизомини мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Ҳукумат қарорларининг ижро этувчи органлар томонидан бажарилишини назорат қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

Ижро этувчи аппаратнинг ўзига бевосита бўйсунувчи таркибий бўлинмалари фаолиятига раҳбарлик қилади, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири котибияти ва Бош вазир ўринбосарлари аппаратлари ишларини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосарлари билан биргаликда департаментлар мудирлари ўринбосарлари, шўъба мудирларини, Ижро этувчи аппаратнинг тегишли бўлинмаларига бош ва етакчи мутахассис кадрларни танлайди;

ўзига бевосита бўйсунувчи таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, рағбатлантириш ва интизомий жазо бериш тўғрисида, ахборот-таҳлил департаментлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг қотибияти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари аппаратлари раҳбарлари ва мутахассисларига нисбатан эса — тегишли равишда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари билан келишган ҳолда қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Ижро этувчи аппарат бошқарувчисининг ўринбосари Ижро этувчи аппарат таркибий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш шакллари ва методларини такомиллаштириш ишларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси топшириқларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси вақтинча бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириғига кўра Ижро этувчи аппарат бошқарувчисининг вазифаларини унинг ўринбосари бажаради.

16. Ахборот-таҳлил департаменти мудир:

Ахборот-таҳлил департаментига бевосита раҳбарликни амалга оширади, ўз ўринбосарлари, шўъба мудирлари, мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда ахборот-таҳлил департаментига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган ахборот-таҳлил департаменти мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторингни таъминлайди;

тегишли тармоқлар, соҳалар ва республика ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг аҳволи ва натижадорлиги тўғрисида тизимли мониторингни ва маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш, тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг истиқболдаги вазифаларини амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

департаментнинг тасдиқланган тузилмаси ва штатлар жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия этиладиган номзодлар, мутахассисларнинг касб даражасини ва ишчанлик малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси билан келишган ҳолда тегишли комплекс раҳбари кўриб чиқиши учун киритади;

ўринбосарлар, шўъба мудирлари ва мутахассислар ўртасида вазифаларнинг тақсимотини, шунингдек Комплекснинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тегишли Комплекс раҳбари тасдиқлаши учун киритади, департамент таркибий бўлинмалари ва мутахассисларининг иш режасини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган, республика Хукуматининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Раёсатининг

мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан ахборот-таҳлил департаменти мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Ижро этувчи аппаратда амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

Ахборот-таҳлил департаменти мудирининг вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифасини ўринбосарларидан бири, шўъба мудирининг ёхуд бош мутахассислардан бири бажаради.

17. Шўъба мудирининг:

шўъба мутахассислари ишларини мувофиқлаштиради ҳамда шўъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

шўъбага биркитилган масалалар, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва республика ҳудудлари бўйича мутахассислар томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик материаллар ва бошқа материаллар, шунингдек қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг амалга ошириш юзасидан мутахассислар томонидан ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режалари тайёрланишини, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг ўринбосарлари томонидан тасдиқланишини мувофиқлаштиради, эришилган натижаларнинг доимий асосда мониторинги олиб борилишини таъминлайди;

мутахассисларнинг, департаментнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли давр учун иш режаларида тасдиқланган масалаларни ўрганиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш мувофиқлаштирилишини таъминлайди, танқидий таҳлил асосида департамент мудирининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарининг кўриб чиқиш учун тегишли таклифлар киритади;

мутахассислар томонидан иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари, соҳалари ва секторлари, шунингдек республика ҳудудлари бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилиши устидан назоратни амалга оширади;

маълумотнома материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида ахборот-таҳлил департаменти мудирининг ўринбосарининг, мудирининг, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ҳамда идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, шўъба мутасаддилик қиладиган соҳага кирадиган масалалар бўйича Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

ахборот-таҳлил департаменти мудирининг топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

тегишли ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Шўъба мудирининг вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифасини шўъбанинг бош мутахассисларидан бири бажаради.

18. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг котибияти:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга юборилган ёзма топшириқлари тўғрисида Бош вазирга ўз вақтида ахборот берилиши устидан тизимли назоратни таъминлайди ва унинг топшириғига кўра уларнинг ижросини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини номига келган хат-хабарларни таҳлил қилади, пухта экспертизадан ўтказиши ва Ижро этувчи аппарат таркибий бўлинмалари билан биргаликда тегишли топшириқлар (фишкалар) тайёрлайди, шунингдек улар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирга ахборот беради;

Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларининг кун тартиби лойиҳасини шакллантиради, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини томонидан тасдиқлатади ва тегишли материаллар тайёрланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини учун маълумотнома, таҳлилий, статистик материаллар ва бошқа материалларни тайёрлайди;

ийгилишлар ва мажлислар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини раҳбарлик қиладиган Ҳукумат комиссиялари мажлислари ташкил этилишини таъминлайди ва қабул қилинган қарорлар бажарилишини назорат қилади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини томонидан фуқаролар қабул қилинишини ташкил этади ва фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини томонидан юкланган ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг котибияти тўғрисидаги Низомда назарда тутилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

19. Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси бошлиғи:

Бошқармага бевосита раҳбарлик қилади, бўлим мудирлари, бўлим мудирини ўринбосарлари, мутхассислар ишини ташкил қилади ва Бошқармага юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама ҳуқуқий экспертизаси ташкил этилишини, шунингдек Бошқарма соҳасига кирувчи масалалар юзасидан қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари лойиҳалари тайёрланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қонун лойиҳаси иш режаларини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан киритилган қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва уларнинг қўмиталари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил қилади;

халқаро шартномалар лойиҳалари ва халқаро шартномаларни имзолаш, уларга кўшилиш, уларни ратификация қилиш ва тасдиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифлар лойиҳаларини эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқирилишини таъминлайди, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади;

стратегик муҳим инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар)ни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига ва ташқи савдо хавфсизлигига риоя қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ташрифлари давомида имзоланган инвестиция ва ташқи савдо шартномаларининг амалга оширилиши, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифларининг туркумланган маълумотлар банки ва мониторингини шакллантиришни ва олиб боришни ташкил қилади;

Бошқарманинг юритиши соҳасига кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

улар бўйича республика Ҳукумати қарори талаб этилмайдиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига келиб тушган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

тасдиқланган тузилма ва штат жадвалига мувофиқ лавозимга тавсия этиладиган номзодлар бўйича таклифларни Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири кўриб чиқиши учун киритади, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва мутахассисларнинг касб даражасини ва иш малакасини ошириш чораларини кўради, шунингдек уларни рағбатлантириш ёки жазолаш бўйича таклифлар киритади;

Бошқарманинг бўлим мудирлари, бўлим мудирлари ўринбосарлари ва мутахассислари ўртасида вазифалар тақсимоли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан тасдиқланиши учун киритади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида амал қиладиган Йўриқномага мувофиқ иш юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

Бошқарма бошлиғи вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бўлим мудирларидан бири бажаради.

20. Бош (етакчи) мутахассис:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида тегишли таркибий бўлинма раҳбарига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режаси ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, республика иқтисодиёти тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг

ўринбосарлари топшириқлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

тегишли ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

#### 21. Функционал бўлим мудир:

бўлим ишига бевосита раҳбарлик қилади, мутахассислар ишини ташкил қилади ва бўлимга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши, ижро интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлим юритиши соҳасига кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган хат-хабарлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлайди, тайёрланган лойиҳаларга виза қўяди ва улар тўғрисида белгиланган тартибда ахборот беради;

тасдиқланган тузилма ва штат жадвалига мувофиқ лавозимга тавсия этиладиган номзодлар бўйича таклифларни Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири кўриб чиқиши учун киритади, мутахассисларнинг касб савиясини ва иш малакасини ошириш чораларини таъминлайди, уларни рағбатлантириш ёки жазолаш бўйича таклифлар киритади;

бўлим мутахассислари ўртасидаги вазифалар тақсимотини Ижро этувчи аппарат бошқарувчисининг тасдиқлаши учун киритади, тегишли ижро интизомини таъминлайди, Ижро этувчи аппаратда амал қиладиган Йўриқномага мувофиқ бўлимда иш юритилишини ташкил қилади;

Бўлимнинг юритиши соҳасига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

Функционал бўлим мудир вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бўлимнинг бош мутахассисларидан бири бажаради.

#### 22. Ўзбекистон Республикаси Бош вазинининг (унинг ўринбосарининг) ёрдамчиси:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини назорат ва таҳлил қилади, уларнинг бажарилиши ва натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирга (унинг ўринбосарига) ахборот беради;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг (унинг ўринбосарининг) жорий иш режаларини шакллантиришда иштирок этади ва уларнинг бажарилишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири кўриб чиқиши учун зарур бўлган ахборот-маълумотнома ва бошқа материалларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг (унинг ўринбосарининг) маърузалари ва нутқларини Ижро этувчи аппаратнинг таркибий бўлинмалари билан биргаликда тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишлар ва мажлислар, шу жумладан Ҳукумат комиссиялари мажлислари тайёрланиши ва ўтказилишини ташкил этади, топшириқларни умумлаштиради, уларнинг бажарилиши устидан назорат қилади, топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида Котибият мудирига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ёки унинг ўринбосарларига белгиланган муддатларда ахборот беради;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири (унинг ўринбосари) номига тушган хат-хабарларни таҳлил қилади, тегишли материаллар ҳақида ахборот беради ва хат-хабарларга топшириқларни белгиланган тартибда ижро этувчиларга юборади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири (унинг ўринбосари) томонидан қабул қилинишини таъминлайди;

Ижро этувчи ҳокимиятнинг тегишли таркибий бўлинмалари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири (унинг ўринбосари) томонидан фуқароларнинг қабул қилинишини ташкил қилади, Бош вазир (унинг ўринбосари) ва Котибият мудирини топшириғи бўйича фуқароларни шахсан қабул қилади;

— 23. Ижро этувчи аппаратнинг бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг вазифалари ва функциялари тегишли таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган функционал вазифалар тақсимотига кўра белгиланади. +

24. Ахборот-таҳлил департаменти мудирини, унинг ўринбосарлари, бошқарма бошлиғини, бўлим мудирини, шўъба мудирини, бош ва етакчи мутахассислар, ёрдамчилар ва бошқа масъул ходимлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

25. Инспекторлар, иш юритувчи котибалар ва бошқа техник ходимлар таркибий бўлинмалар раҳбарларининг тақдимномасига асосан Ижро этувчи аппарат бошқарувчисининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

## VI. Яқунловчи қоидалар

26. Ижро этувчи аппаратнинг таъминоти ва моддий-техник таъминланиши белгиланган тартибда амалга оширилади.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 2 майдаги 81-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**I. Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарориди:**

1) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;  
2) 9-банддаги «Ў.Т. Султонов ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари» сўзлари «ва Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

3) қарорга иловада:

а) 2-банддаги «фармонлари» сўздан кейин «қарорлари» сўзи қўшилсин:

б) 4-банддаги «фармонлари» сўздан кейин «қарорлари» сўзи қўшилсин;

в) I бўлимда:

қуйидаги мазмундаги 2-банд қўшилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари»;

2 — 10-бандлар тегишли равишда 3 — 11-бандлар деб ҳисоблансин;

охирги хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) II бўлимнинг 4-бандидаги «фармонлари» сўздан кейин «қарорлари» сўзи қўшилсин;

д) IV бўлимда:

бўлимнинг номидаги «фармонлари» сўздан кейин «қарорлари» сўзи қўшилсин;

3-банднинг еттинчи хатбошидаги «фармонлари» сўздан кейин «қарорлари» сўзи қўшилсин;

6-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 1-схеманинг II бўлимида:

бўлимнинг номидаги «Вазирлар Маҳкамаси аппарати» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Таркибий бўлинмалар» устуниди:

«Аппарат Раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«департамент (бўлим) мудирлари» сўзлари «департамент (бўлим) мудирлари, бошқарма бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ижро ва назоратни ташкил этиш» устуниди «Аппарат Раҳбари» ва «Аппарати Раҳбарига» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси» ва «Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«департаментлар ва бўлимлар», «департамент ва бўлим мудирлари», «департаментларда (ёки бўлимларда)», «департамент (ёки бўлим)» ва «департаментлар, бўлимлар» сўзлари тегишли равишда «департаментлар, бошқарма ва бўлимлар», «департамент ва бўлим мудирлари, бошқарма бошлиғи», «департаментларда (бошқармада, бўлимларда)», «департамент (бошқарма, бўлим)» ва «департаментлар, бўлимлар ва бошқарма» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Масъуллар» устуниди:

«Аппарат Раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«департамент, бўлим мудирлари» ва «департаментлар (бўлимлар) мудирлари» сўзлари тегишли равишда «департамент, бўлим мудирлари, бошқарма бошлиғи» ва «департамент (бўлим) мудирлари, бошқарма бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 2-схеманинг I бўлимида:

бўлимнинг номидаги «Вазирлар Маҳкамаси аппарати» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Таркибий бўлинмалар» устунида:

«Аппарат Раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Департамент, бўлим» сўзлари «департамент, бошқарма, бўлим» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Тайёрлаш, бажариш ва назоратни ташкил этиш» устунида:

«юридик бўлимда» ва «Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига» сўзлари тегишли равишда «Хуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармасида» ҳамда «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«департаментда, бўлимда», «Департамент (ёки бўлим)», «департаментлар, бўлимлар» сўзлари тегишли равишда «департаментда, бошқармада, бўлимда», «Департамент (бошқарма, бўлим)», «департаментлар, бўлимлар, бошқарма» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Масъуллар» устунида:

«Аппарат Раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«департамент, бўлим», «департамент, бўлим мудирлари», «департаментлар, бўлимлар» сўзлари тегишли равишда «департамент, бошқарма, бўлим», «департамент, бўлим мудирлари, бошқарма бошлиғи» ва «департаментлар, бўлимлар, бошқарма» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 1-назорат карточкаси шаклида:

«Фармони» сўзидан кейин «қарори» сўзи қўшилсин;

«Вазирлар Маҳкамаси Аппарати» ва «Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида» сўзлари тегишли равишда «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати» ва «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 1а-назорат карточкаси шаклидаги «Фармони» сўзидан кейин «қарори» сўзи қўшилсин;

к) 2-назорат карточкаси шаклидаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппарати» ва «Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида» сўзлари тегишли равишда «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати» ва «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида» сўзлари билан алмаштирилсин;

**II. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида» 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарорида** (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й, 2-сон, 8-модда):

1) 6-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари Р.В. Абдукодиров» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси С.Х. Бекенов» сўзлари билан алмаштирилсин;

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида (қарорга илова):

- а) 4-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппарати» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;
- б) 8-бандда:  
биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппарати» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;  
иккинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппарати» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;  
учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:  
«Бош вазир котибияти, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг функционал бўлинмалари иши Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштириб борилади»;
- в) 9-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи Аппаратида» сўзлари билан алмаштирилсин;
- г) 10-банднинг тўртинчи хатбошидаги «чораклик» сўзи «ярим йиллик» сўзлари билан алмаштирилсин;
- д) 11-банднинг биринчи хатбошидаги «навбатдаги чорак» сўзлари «навбатдаги ярим йиллик» сўзлари билан алмаштирилсин;
- е) 15-бандда:  
«функционал бўлимларнинг» сўзлари «бошқа таркибий бўлинмаларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;  
«ҳар чораклик» сўзлари «ярим йиллик» сўзлари билан алмаштирилсин;
- ж) 19-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;
- з) 21-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида» сўзлари билан алмаштирилсин;
- и) 29-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:  
«Илова қилинган ҳужжат масалани киритаётган органнинг раҳбари томонидан имзоланган, тегишли далолатнома лойиҳасига, шунингдек унинг иловасига виза қўйилган бўлиши керак. Ҳужжат лойиҳаси билан бирга уни ишлаб чиқиш ва келишиш хронологияси тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилади»;
- к) 30-бандда:  
учинчи хатбошидаги «бўлимлар» сўзи «бошқа таркибий бўлинмалар» сўзлари билан алмаштирилсин;  
бешинчи хатбошидаги «бўлими мудир» сўзлари «бошқа таркибий бўлинмаси раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;
- л) 31-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппарати» ва «Аппарати Раҳбари» сўзлари тегишли равишда «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати» ва «Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;
- м) 36-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппаратига» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратига» сўзлари билан алмаштирилсин;
- н) 38-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;
- о) 43-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига» сўзлари билан алмаштирилсин;
- п) 46-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

р) 50-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

с) 53-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппарати» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;

т) 57-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг» ва «Аппарати Раҳбари» сўзлари тегишли равишда «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратининг» ва «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

у) 60-банддаги «Аппарат Раҳбарига» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига» сўзлари билан алмаштирилсин;

ф) 63 ва 65-бандлардаги «Аппарат Раҳбари» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

х) 67-банднинг иккинчи хатбошидаги «Аппарат Раҳбари» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ц) 68-банднинг биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ч) 72-бандда:

биринчи хатбошидаги «бўлимлар» сўзи «бошқа таркибий бўлинмалар» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Аппарат Раҳбари» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ш) 73-банддаги «Аппарат Раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ш1) 74-банддаги «бўлимлар» сўзи «бошқа таркибий бўлинмалар» сўзлари билан алмаштирилсин;

э) 81-банддаги «(бўлимлари)га» ва «юридик бўлими» сўзлари тегишли равишда «(бошқа таркибий бўлинмалари)га» ҳамда «Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ю) 84-банднинг тўққизинчи хатбошидаги ва 90-банддаги «Аппаратида» сўзи «Ижро этувчи аппаратида» сўзлари билан алмаштирилсин;

я) 88-банддаги «ҳар чораклик» сўзлари «ярим йиллик» сўзлари билан алмаштирилсин.

—

+

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ BAZИPЛAP MAХҚAMACИНИНГ  
ҚАРОРИ**156 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бош-  
қармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 9 апрелдаги ПҚ–834-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси С.Х. Бекенов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 2 май,  
82-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 2 майдаги 82-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар  
бошқармаси тўғрисида  
НИЗОМ****I. Умумий қоидалар**

1. Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 9 апрелдаги ПҚ–834-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлимига ҳисобланади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро шартномалар, стратегик муҳим инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар) лойиҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг Раёсати, Ўзбекистон Республи-

каси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати фаолиятини таъминлайди, шунингдек уларнинг бажарилишини назорат қилади ва мониторинг олиб боради.

2. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига бўйсунди.

4. Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

## II. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

— давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш, қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳалари иш режаларини ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан киритилган қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва уларнинг қўмиталари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

халқаро шартномалар лойиҳалари ва халқаро шартномаларни имзолаш, уларга қўшилиш, уларни ратификация қилиш ва тасдиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифлар лойиҳаларини эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқиши ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш;

стратегик муҳим инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар)ни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя қилинишини ва ташқи иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган инвестиция ва ташқи савдо шартномалари амалга оширилишининг туркумланган маълумотлар банкни шакллантириш ва мониторинг олиб бориш.

+

6. Бошқарма ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказди ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидалари талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар тайёрлайди;

қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлашда қатнашади ва уларни тайёрлайди;

қонунчилик ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлаштириш тўғрисида, ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилиги ва яхлитлигини таъминлаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади;

қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифларни таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси кўриб чиқиши учун киритади;

қонунчилик ҳужжатларининг тизимли ҳисоб-китобини юритади, қонун ҳужжатлари бўйича маълумотнома ишларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда белгиланган тартибда Ҳукумат қарорларини талқин қилиш ва қўллаш бўйича тушунтиришларни тайёрлайди ва уларни тайёрлашда иштирок этади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси кўриб чиқиши учун киритади;

қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар қарорлари лойиҳаларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ва Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмаларига ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати таркибий бўлинмаларини, унинг мутахассисларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари, шунингдек қонун ҳужжатлари бўйича маълумотнома материаллар билан таъминлашни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишлар материалларини тайёрлашда ва қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси буйруқлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Умумий бўлими билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўпламини нашр этишга тайёрлайди;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифларни тайёрлайди, ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш ва чора кўриш учун давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади, фуқароларни қабул қилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ишларини ташкил қилиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа органлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати таркибий бўлинмалари билан биргаликда Бош вазирнинг кўриб чиқиши учун Ҳукуматнинг қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ишлари режаси лойиҳаларини киритади;

Ҳукуматнинг қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ишлари режасининг бажарилиши мониторинги олиб борилишини, кўрсатиб ўтилган режаларнинг амалга оширилишининг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатини мунтазам хабардор қилинишини ташкил этади;

Бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилишини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига белгиланган тартибда тақдим этилишини ташкил қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қўмиталари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан киритилган қонун лойиҳалари улар томонидан муҳокама этилишида қатнашади, тегишли қонун лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг вазирлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида қонун лойиҳаларини муҳокама этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари ишини мувофиқлаштиради;

в) халқаро шартномалар лойиҳалари ва халқаро шартномаларни имзолаш, уларга қўшилиш, уларни ратификация қилиш ва тасдиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифлар лойиҳаларини эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини ташкил этиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати тегишли таркибий бўлинмалари билан биргаликда халқаро шартномалар лойиҳалари ва халқаро шартномаларни имзолаш, уларга қўшилиш, уларни ратификация қилиш ва тасдиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалалар белгиланган тартибда эксперт жиҳатидан пухта ишлаб чиқилишини ташкил этади;

халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва келишиш масалаларида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси топшириқларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланиши лозим бўлган



Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлайди, уларни тайёрлашда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг ўринбосарлари топшириғига кўра Бошқармага тегишли соҳага кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари раҳбарлик қиладиган ҳукуматлараро комиссиялар ва қўмиталар мажлисларида иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тайёрлаш ва тузиш масалалари бўйича хорижий давлатлар ҳукуматлари, халқаро ташкилотлар вакиллари билан ўтказиладиган музокараларда иштирок этади;

г) стратегик муҳим инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар)ни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя қилинишини ва ташқи иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига риоя қилинишини ва ташқи савдо хавфсизлигини таъминлаш мақсадида стратегик муҳим инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар) лойиҳалари белгиланган тартибда эксперт жиҳатидан пухта ишлаб чиқирилишини ва ҳулосалар тайёрланишини ташкил қилади;

стратегик муҳим инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар) лойиҳаларини тайёрлаш ва келишида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига ва ташқи иқтисодий хавфсизлигига риоя қилинишини таъминлаш масалаларида тегишли вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси топшириқларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланиши лозим бўлган инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар) лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади;

стратегик муҳим инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар)ни тайёрлаш ва имзолаш масалалари бўйича хорижий давлатлар ҳукуматлари, фирмалар, компаниялар ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, халқаро ташкилотлар вакиллари билан ўтказиладиган музокараларда иштирок этади;

д) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, инвестиция ва ташқи савдо шартномаларининг туркумлаштирилган маълумотлар банкни шакллантириш ва юритиш ҳамда амалга оширилиши мониторингини олиб бориш соҳасида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар)ни бажариш масалалари бўйича ахборотларни тўплайди, умумлаштиради ва таҳлил қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар)нинг туркумлаштирилган маълумотлар банкни шакллантиришни, юритишни ва мунтазам равишда янгилаб боришни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари, шунингдек хорижий

давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контактлар) бўйича мажбуриятларни бажаришнинг ҳолати тўғрисида туркумлаштирилган маълумотлар банкини ва таҳлилий базани шакллантириш масалаларида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар)нинг амалга оширилиши мониторинги олиб борилишини ташкил қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифи, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар)ни бажариш масалалари бўйича таҳлилий ва маълумотнома материалларни тайёрлайди.

Бошқарма белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

### III. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

тегишли материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг топшириғига кўра давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, ушбу мақсадларда ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

8. Бошқарма:

ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўриб чиқиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилиши учун тайёрланадиган ва киритиладиган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳуқуқий экспертизасининг комплекслиги ва сифати учун;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, шунингдек стратегик муҳим инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар)нинг бажарилиши ва мониторингини олиб бориш таъминланиши учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомининг таъминланиши учун жавоб беради.

#### IV. Бошқарманинг тузилмаси

9. Бошқарма таркибига ҳуқуқий экспертиза бўлими ҳамда халқаро шартномаларни экспертизадан ўтказиш ва уларнинг амалга оширилиши мониторинги бўлими киради.

Бошқарма тузилмаси Бошқарма бошлиғи, ҳуқуқий экспертиза бўлими мудирини, халқаро шартномаларни экспертизадан ўтказиш ва уларнинг амалга оширилиши мониторинги бўлими мудирини, халқаро шартномаларни экспертизадан ўтказиш ва уларнинг амалга оширилиши мониторинги бўлими мудирининг икки нафар ўринбосари, тегишли масалалар бўйича бош ва етакчи мутахассислар, шунингдек икки нафар инспектордан иборат бўлади.

Бошқарма тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

10. Бошқарма ишларига бошлиқ раҳбарлик қилади.

11. Бошқарма бошлиғи, бўлимлар мудирлари, бўлим мудирини ўринбосарлари ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

#### V. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш

12. Бошқарма ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, ушбу Низомга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиш бўйича Йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Бошқарманинг иш режалари, бошлиқнинг, бўлимлар мудирлари, бўлим мудирининг ўринбосарлари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Бошқарманинг иш режалари ва Бошқарма бошлиғининг шахсий иш режаси

Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан тасдиқланади.

Бўлим мудирлари, бўлим мудирлари ўринбосарлари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

### 13. Бошқарма бошлиғи:

Бошқармага бевосита раҳбарликни амалга оширади, бўлимлар мудирлари, бўлим мудирлари ўринбосарлари ва мутахассислар ишини ташкил қилади ва Бошқармага юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши, ижро интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама ҳуқуқий эскпертизадан ўтказиш ташкил этилишини, шунингдек Бошқарма соҳасига кирувчи масалалар бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари тайёрланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш иш режаларини ишлаб чиқирилишини ва амалга оширилишини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан киритилган қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва уларнинг қўмиталари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил қилади;

ҳалқаро шартномалар лойиҳалари ва ҳалқаро шартномаларни имзолаш, уларга қўшилиш, уларни ратификация қилиш ва тасдиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифлар лойиҳалари эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқирилишини таъминлайди, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади;

стратегик муҳим инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар)ни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя қилинишини ва ташқи савдо хавфсизлигини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, ҳалқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган инвестиция ва ташқи савдо шартномалари амалга оширилишининг туркумланган маълумотлар банки шакллантирилишини ва мониторинг олиб борилишини ташкил қилади;

Бошқарманинг юритиши соҳасига кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

улар бўйича республика Ҳукумати қарори талаб этилмайдиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига келиб тушган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

тасдиқланган тузилма ва штат жадвалига мувофиқ лавозимга тавсия этиладиган номзодлар бўйича таклифларни Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири кўриб чиқиши учун киритади, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва мутахассисларнинг касб даражасини ва иш малакасини оши-

риш чораларини кўради, шунингдек уларни рағбатлантириш ёки жазолаш бўйича таклифлар киритади;

Бошқарманинг бўлим мудирлари, бўлим мудирлари ўринбосарлари ва мутахассислари ўртасида вазифалар тақсимоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан тасдиқланиши учун киритади;

Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратида амал қиладиган Йўриқномага мувофиқ иш юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

14. Бошқарма бошлиғи вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан белгиланадиган бўлим мудирларидан бири бажаради.

15. Бўлим мудирлари ўзига биркитилган масалалар юзасидан:

бўлимга бевосита раҳбарлик қилади ва Бошқарма зиммасига юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши ва бўлимдаги ижро интизоми ҳолати учун шахсан жавоб беради;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ва тайёрланишини ташкил этади, кўрсатиб ўтилган лойиҳаларга виза қўяди ва улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро шартномалар, стратегик муҳим инвестиция шартномалари ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар) лойиҳаларини тайёрлашда ва экспертизадан ўтказишда бевосита қатнашади, улар бўйича тегишли таҳлилий ва маълумотнома материаллар, эксперт хулосалар тайёрланишини таъминлайди;

тегишли масалалар бўйича туркумлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгилаб турилишини назорат қилади;

материаллар тўғрисида Бошқарма бошлиғига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

республиканинг қонунчилигини янада такомиллаштириш, шунингдек қонунчиликнинг тегишли соҳаларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва Бошқарма бошлиғига тақдим этади;

ўзи юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ҳамда ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан ўтказиладиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан йиғилишлар ўтказади;

Бошқарма бошлиғининг топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Бошқарма бошлиғига тегишли мутахассислар ўртасида вазифаларни тақсимлаш бўйича таклифлар киритади;

мутахассисларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, малакасини ошириш, рағбатлантириш ва уларга жазолар бериш тўғрисида Бошқарма бошлиғига таклифлар тақдим этади.

Ҳуқуқий экспертиза бўлими мудирлари вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вази-

фасини Бошқарма бошлиғи томонидан белгиланадиган бўлимнинг бош мутахассисларидан бири бажаради.

Халқаро шартномаларни экспертизадан ўтказиш ва уларнинг амалга оширилиши мониторинги бўлими мудир вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бошқарма бошлиғи томонидан белгиланадиган бўлим мудирининг ўринбосарларидан бири бажаради.

16. Бўлим мудирининг ўринбосари ўзига биркитилган масалалар юзасидан:

тегишли мутахассисларга бевосита раҳбарлик қилади ва Бошқармага юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилиши ва тайёрланишини ташкил этади, топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

тегишли масалалар бўйича туркумлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгилаб турилишини назорат қилади;

материаллар тўғрисида бўлим мудирига, Бошқарма бошлиғига шунингдек, белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

республиканинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, шунингдек қонунчиликнинг тегишли соҳаларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва бўлим мудирига, Бошқарма бошлиғига тақдим этади;

— Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ҳамда ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан ўтказиладиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади; +

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан йиғилишлар ўтказилади;

Бошқарма бошлиғининг топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

17. Бошқарманинг бош мутахассиси ўзига биркитилган масалалар бўйича:

материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Бошқарма бошлиғи, бўлим мудир вақтинча (унинг ўринбосари) топшириқларини бажаради, материаллар ўз вақтида тайёрланиши, уларнинг сифатли ишлаб чиқилиши ва топшириқларнинг бажарилиши устидан назорат таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмалари томонидан тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро шартномалар, инвестиция шартномалари ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар) лойиҳаларини ва бошқа материалларни ўрганади, уларни эксперт жиҳатидан пухта ишлаб чиқади, улар бўйича тегишли таҳлилий ва маълумотнома материаллар, эксперт хулосалар тайёрлайди;

халқаро шартномалар, стратегик муҳим ташқи савдо ва инвестиция шартномалари (контрактлар) амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб боради;

халқаро шартномалар, стратегик муҳим ташқи савдо ва инвестиция шартнома-

лари (контрактлари)нинг туркумлаштирилган маълумотлар базасини юритади, уларни мунтазам равишда янгилаб боради;

материаллар тўғрисида Бошқарма бошлиғига, бўлим мудирига (унинг ўринбосарига), шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини талқин қилиш ва тушунтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Бошқарма бошлиғига, бўлим мудирига (унинг ўринбосарига) тақдим этади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан ўтказиладиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларда кўриб чиқишга тайёрлаш, шунингдек ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама этиш учун йиғилишлар ўтказилади.

18. Бошқарманинг етакчи мутахассиси ўзига бириктирилган масалалар юзасидан:

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Бошқарма бошлиғи, бўлим мудир ва унинг ўринбосари (унинг ўринбосари) топшириқларини бажаради, материаллар ўз вақтида тайёрланиши, уларни ишлаб чиқишнинг сифати ва топшириқларнинг бажарилиши устидан назорат таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро шартномалар лойиҳаларини эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқади, улар юзасидан эксперт хулосалари тайёрлайди;

материалларни Бошқарма бошлиғига, бўлим мудирига (унинг ўринбосарига), тегишли бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига тақдим этади;

халқаро шартномалар, стратегик муҳим ташқи савдо ва инвестиция шартномалари (контрактлар) амалга оширилиши устидан мониторинг олиб боради;

халқаро шартномалар, стратегик муҳим ташқи савдо ва инвестиция шартномалари (контрактлар)нинг туркумлаштирилган маълумотлар базасини юритади, уларни мунтазам равишда янгилаб боради;

мутассадилик қилинадиган масалалар бўйича тегишли маълумотнома ва таҳлилий материалларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказиладиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро

этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан ўтказиладиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Бошқарма бошлиғи, бўлим мудир (унинг ўринбосари) ёки тегишли бош мутахассис билан келишган ҳолда ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади.

19. Инспекторлар Бошқармада ва бўлимларда иш юритилишини таъминлайди, ҳужжатлар ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғма жилдларининг тайёрлигини ва архивда сақлаш учун ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзларига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 157 «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамия- тининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни хусусийлаштириш, модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнига мамлакатимиздаги ва хорижий инвесторларни жалб этиш, шунингдек замонавий гилдиракли тракторлар, тиркамалар, фермер хўжаликлари учун машиналар туркумини ишлаб чиқариш бўйича янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминловчи тажриба-конструкторлик базасини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сон қарорига мувофиқ «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамияти устав фондининг 82,75 фоизи миқдоридаги акциялари давлат пакетининг хорижий инвесторга ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, рақобатбардошли, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятлари остида, акциядорлик жамиятини бошқаришда давлатнинг махсус ҳуқуқини — «олтин акция»ни қўллаган ҳолда сотилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятини янада ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

лойиҳалаштиришнинг замонавий компьютар технологияларини қўллаган ҳолда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида конструкторлик ишлари кўламини кенгайтириш, инновация фаолиятини амалга ошириш;



80, 100 ва 120 от кучига эга бўлган рақобатбардошли филдиракли тракторлар, тиркамалар, улар базасида турли модификациялардаги қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш ва коммунал хўжалиги машиналари, фермер хўжаликлари учун минитехникалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда истеъмол товарлари турларини кенгайтириш;

мамлакатимиздаги ва хорижий харидорларга маҳсулотлар сотиш тизимини такомиллаштириш;

асосий ишлаб чиқариш билан кооперациялашган ҳолда ишлаётган шўъба корхоналар фаолиятини ривожлантириш, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш;

қишлоқ хўжалиги техникасини сотиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича корхонанинг техника марказларини ривожлантириш.

3. «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг корхона ходимлари умумий сонини 365 нафарга, шу жумладан бошқарув ходимларини 145 нафарга қисқартиришни назарда тутувчи ташкилий тузилмаси ҳамда унинг ижро этувчи аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

«Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти бош директорига Кузатувчи кенгаш билан келишган ҳолда корхона ижро этувчи аппаратининг тасдиқланган ташкилий тузилмасига ходимларнинг штатдаги белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритишига рухсат берилсин.

4. Белгилансинки, ушбу қарорнинг 1-бандига мувофиқ акцияларнинг давлат пакети хорижий инвесторга сотилгунгача бўлган даврда «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг бош директори, бош муҳандиси, бош директори ўринбосарлари акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади.

5. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасини акциялаштириш тўғрисида» 1996 йил 19 сентябрдаги 327-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2008 йил 13 мартдаги 41-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компаниясини тугатиш чоратадбирлари тўғрисида» 2007 йил 29 декабрдаги ПҚ-766-сон қарори) 1-илонанинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.С. Санақулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 2 май,  
83-сон


**«Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмаси**





Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 2 майдаги 83-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**«Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамияти ижро этувчи  
аппаратининг тузилмаси**



Ходимларнинг умумий сони — 435 киши,  
шу жумладан бошқарув ходимлари — 138 киши.

\* Бош механик бўлими функциясини «ТТЗ-Даст-Таъмир» шўъба корхонаси таъминлайди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ BAZИPЛAP MAХҚAMACИНИНГ  
ҚАРОРИ**158 Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун хорижий фуқароларнинг масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида» 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидаларининг 40-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«40. Хорижий фуқаро:

а) Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган тақдирда, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар бўйича яшаганда, вақтинча ёки доимий рўйхатдан ўтишнинг, ҳаракат қилиш ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя қилмаганда, бўлиш муддати тугагандан кейин чиқиб кетишдан бош тортганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит бўйича ўтиш қоидаларига риоя қилмаганда;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноят учун суд томонидан тайинланган жазони ижро этгандан ёки ўтагандан ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилингандан кейин, кейинчалик келиш ҳуқуқини чеклаган ҳолда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилиши мумкин».

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар икки ҳафта муддатда ўзининг идоравий норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Б.А. Матлюбов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 6 май,  
86-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**159** Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олишни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 7 май,  
87-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 7 майдаги 87-сон қарорига  
ИЛОВА

**Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш,  
улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун  
масъул бўлган давлат органлари рўйхатига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

1	Суғурта қилувчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	Молия вазирлиги
---	--	-----------------

2. 1-1-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

1-1	Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари реестри	Молия вазирлиги
-----	---	-----------------

3. 1-1-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 1-2 - 1-3-позициялар қўшилсин:

1-2	Малака сертификатига эга бўлган аудиторлар реестри	Молия вазирлиги
-----	--	-----------------

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

1-3	Лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
-----	--	--

4. 3-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 3-1 — 3-6-позициялар қўшилсин:

3-1	Нодавлат нотижорат ташкилотлари реестри	Адлия вазирлиги
3-2	Диний ташкилотлар реестри	
3-3	Давлат нотариал идоралари ҳамда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар идоралари реестри	
3-4	Адвокатлар, шунингдек адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, фирмалари реестри	
3-5	Юридик шахслар бирлашмалари реестри	
3-6	ФХД <sup>Ў</sup> органлари	

5. 17-2-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 17-3 - 17-4-позициялар қўшилсин:

17-3	Сертификатланган маҳсулотларнинг давлат реестри	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
17-4	Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	

6. 23-позиция ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. 27-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 27-1 - 27-2-позициялар қўшилсин:

27-1	Олдиндан тайёрлаб қўйилган маълумотнома харита	Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси
27-2	Геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	

8. 29-позициянинг «Давлат ахборот ресурслари номи» устунидаги «шу жумладан чет эллардаги музейлар» сўзлари чиқариб ташлансин.

9. 30-позициянинг «Давлат ахборот ресурслари номи» устунидаги «ва спорт» сўзлари чиқариб ташлансин.

10. 31-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 31-1-позиция қўшилсин:

31-1	Спорт иншоотлари реестри	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
------	--------------------------	------------------------------------

11. 32-позициянинг «Давлат ахборот ресурслари номи» устунидаги «умумий ўрта ва мактабдан ташқари» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. 32-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 32-1 - 32-2-позициялар қўшилсин:

32-1	Умумий ўрта таълим таълим муассасалари	Халқ таълими вазирлиги
32-2	Мактабдан ташқари таълим таълим муассасалари	

13. 36-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 36-1-позиция қўшилсин:

36-1	Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари ўқув режалари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
------	--	--------------------------------------

14. 38-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 38-1 — 38-20-позициялар қўшилсин:

38-1	Ов ва спортга мўлжалланган ўқотар қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини, шунингдек тиғли қуролни (пичоқларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	Ички ишлар вазирлиги
38-2	Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
38-3	Таркибида гиёҳванд моддалар бўлган ўсимликларни етиштириш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
38-4	Рўйхатдан ўтказилган шахсий автототранспорт воситаларининг маълумотлар базаси	
38-5	Юридик шахсларнинг рўйхатдан ўтказилган автототранспорт воситаларининг маълумотлар базаси	
38-6	Профилактик ҳисобда турган шахсларнинг маълумотлар базаси	
38-7	Республика қидирувида бўлган шахсларнинг маълумотлар базаси	
38-8	Давлатлараро қидирувда бўлган шахсларнинг маълумотлар базаси	
38-9	Темир йўл чипталари сотиб олган шахсларнинг маълумотлар базаси	
38-10	Авиачипталар сотиб олган шахсларнинг маълумотлар базаси	
38-11	Йўқотиб қўйилган, ўғирланган ва топилган рақамли буюмларнинг маълумотлар базаси	
38-12	Республика бўйича йўқотиб қўйилган, ўғирланган ва олиб қўйилган нарезкали қуролларнинг маълумотлар базаси	
38-13	МДХ давлатлари бўйича йўқотиб қўйилган, ўғирланган ва олиб қўйилган нарезкали қуролларнинг маълумотлар базаси	
38-14	Республика бўйича йўқотиб қўйилган ва ўғирланган автотранспорт воситаларининг маълумотлар базаси	
38-15	МДХ давлатлари бўйича йўқотиб қўйилган ва ўғирланган автотранспорт воситаларининг маълумотлар базаси	

38-16	Ўқуқролар ва ташкилотларнинг рўйхатдан ўтказилган қуролларининг маълумотлар базаси	
38-17	Жиноий жавобгарликка тортилган шахслар бармоқ изларининг маълумотлар базаси	
38-18	Шахсларнинг фото тасвири туширилган ва паспорт 1-шакли ахборотларининг маълумотлар базаси	
38-19	Ҳайдовчилик гувоҳномаси олган шахсларнинг маълумотлар базаси	
38-20	Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг маълумотлар базаси	

15. 43-1-позициянинг «Давлат ахборот ресурслари номи» устунидаги «Телекоммуникациялар» сўзлари «Телекоммуникацияларнинг маҳаллий тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. 43-1-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 43-2 — 43-9-позициялар қўшилсин:

43-2	Телекоммуникацияларнинг шаҳарлараро тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
43-3	Телекоммуникацияларнинг халқаро тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
43-4	Кўчма радиотелефон алоқаси тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
43-5	Шахсий радиочақирув тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
43-6	Маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
43-7	Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни тарқатиш (узатиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
43-8	Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси қарорлари бўйича маълумотлар базаси	
43-9	Базавий интерактив давлат хизматлари реестри	

17. 50-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 50-1 — 50-6-позициялар қўшилсин:

50-1	Тижорат банклариға банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	Марказий банк
------	---	---------------



50-2	Тижорат банкларига, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга хорижий валютада операциялар ўтказиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
50-3	Қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри.	
50-4	Гаровхоналар фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
50-5	Кредит уюшмалари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
50-6	Микрокредит ташкилотлари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	

18. 51-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 51-1-позиция қўшилсин:

51-1	Инвестиция лойиҳаларининг маълумотлар базаси	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
------	--	--

19. Қуйидаги мазмундаги 52 — 115-позициялар қўшилсин:

52	Идораларда (вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар марказий муассасалар ва бошқаларда) сақланадиган ҳужжатлар таркиби тўғрисидаги маълумотлар базаси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги
53	Қурилиш соҳасида амалдаги норматив ҳужжатларнинг кўрсаткичи	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
54	Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри	
55	Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри	
56	Баландликларда саноат альпинизми усулида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри	
57	Кўприк-тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри	
58	Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри	
59	Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш	

	хуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри	
60	Ер ости бойликлари тўғрисида геологик ва бошқа маълумотлар давлат фонди	Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
61	Фойдали қазилмалар конларини аниқлаш учун истиқболли бўлган конлар ва ер ости бойликлари участкаларининг давлат реестри	
62	Фойдали қазилмалар, шу жумладан углеводородлар захираларининг давлат баланси	
63	Конлар, фойдали қазилмалар белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри	
64	Давлат сув кадастри (ер ости сувлари)	
65	Табий хавф юқори бўлган зоналар (хавфли геологик жараёнлар пайдо бўладиган зоналар) давлат кадастри	
66	Ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун берилган лицензияларнинг давлат реестри	Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази
67	Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
68	Аттестациядан ўтказилган шахслар (қимматли қоғозлар бозори мутахассислари)нинг ягона давлат реестри	
69	Республикада рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларнинг ягона давлат реестри	
70	Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг давлат реестри	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси
71	Биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган биржалар реестри	
72	Товар-хом ашё биржаларида брокерлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун сертификатга эга бўлган мутахассислар реестри	
73	Кўчмас мулк бозорида брокерлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун сертификатга эга бўлган мутахассислар реестри	
74	Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун сертификатга эга бўлган мутахассислар реестри	
75	Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган мутахассислар реестри	
76	Соғлиқни сақлаш муассасалари реестри	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
77	Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
78	Тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларга берилган лицензиялар реестри	
79	Тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри	
80	Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг айланиши фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри	
81	Божхона омбори таъсис этиш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	Давлат божхона қўмитаси

82	Божсиз савдо дўконини таъсис этиш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	Давлат божхона қўмитаси
83	«Эркин омборхона» божхона режимида омборхона таъсис этиш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
84	Ветеринария фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат ветеринария бош бошқармаси
85	Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси
86	Тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
87	Гидротехника иншоотларининг давлат кадастри	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси
88	Гиёҳвандликка оид содир этилган жиноятларни ҳисобга олиш маълумотлар банки	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази
89	Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган алоҳида хавfli ишлаб чиқариш объектлари давлат реестри	Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси
90	Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, аварияларнинг маълумотлар базаси	
91	Қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик ва жисмоний шахсларга берилган лицензиялар реестри	
92	Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўлиши соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик ва жисмоний шахсларга берилган лицензиялар реестри	

93	Портловчи ва заҳарли моддаларни яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик ва жисмоний шахсларга берилган лицензиялар реестри	Ўзбекистон Республикаси Саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси
94	Олий аттестация комиссиясида тасдиқланган фан докторлари ва номзодларининг маълумотлар базаси	Олий аттестация комиссияси
95	Ахборотни криптографик ҳимоя қилиш воситаларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати
96	Таркибида қимматли ва рангли металллар, қимматли тошлар мавжуд бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқиндиларни тайёрлаш, қайта ишлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги
97	Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш, шунингдек аэропортлардаги ташиш ишларини бажарувчи ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш, авиация ишларини бажариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
98	Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни яратиш, ишлаб чиқариш, ёзиб олиш, кўпайтириш ва реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
99	Нефть маҳсулотларини АЁҚШ ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	
100	Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри, республика ихтисослаштирилган база-контралар, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирувчи ҳудудий базалар, шунингдек «Матлуботсавдо» вилоят акциядорлик компаниялари томонидан амалга ошириладиган улгуржи савдо бундан мустасно	Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари
101	Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
102	Ягона энергетика тизимида уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри	

103	Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри
104	Нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёнилғиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми, шунингдек техник мой ва мойлаш материалларини) реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри, заводда идишларга жойланганлари бундан мустасно (нефть маҳсулотларини АЁҚШ ва мой алмаштириш пунктларида сотишдан ташқари)
105	Маҳаллий ва халқаро темир йўл йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри
106	Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича ҳаво транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри
107	Этил спирти ҳамда алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри
108	Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри
109	Қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри
110	Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри
111	Диний таълим муассасаларининг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри
112	Бадий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, тасвирий, мультипликацион киновидеофильмлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри
113	Киновидеофильмларни ҳамда дастурларни кўпайтириш, дубляж қилиш ва реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри
114	Киновидеомаҳсулотлар прокати фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри
115	Туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХКАMASINING  
ҚАРОРИ**160** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ–111-сонли Қонуни)

«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ–111-сонли Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 7 май,  
89-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 7 майдаги 89-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 14 июндаги 209-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 32-модда; 2006 й., 4-сон, 26-модда):

1) 2-иловада:

8-банднинг олтинчи хатбошидаги «реестрларини» сўзидан кейин «ва Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини» сўзлари қўшилсин;

16-банднинг биринчи хатбошидаги «апелляцияларни» сўзидан кейин «шунингдек Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини эътироф этиш тўғрисидаги аризаларни» сўзлари қўшилсин;

2) 3-илова 6-бандининг биринчи хатбошидаги «Ҳисобот даврида» сўзларидан кейин «юридик аҳамиятга эга бўлган хатти-ҳаракатлар учун» сўзлари қўшилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Патент вакиллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 1 июлдаги 298-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 55-модда; 2006 й., 4-сон, 26-модда) 1-иловада:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

1) 4-бандда:

а) «г» кичик бандига қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси, товарнинг келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлиги»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) «ж» кичик банди чиқариб ташлансин;

в) қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Апелляция кенгаши Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини эътироф этиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқади (кейинги ўринларда «ариза» деб аталади)»;

2) 5-банддаги «апелляция», «апелляцияни» сўзларидан кейин тегишли равишда «ёки ариза», «ёки аризани» сўзлари қўшилсин;

3) 10 ва 12-бандлардаги «апелляция», «апелляцияларни» сўзларидан кейин «ёки ариза», «ёки аризаларни» сўзлари қўшилсин;

4) 13-банддаги «апелляциялар» сўзидан кейин «ёки аризалар» сўзлари қўшилсин;

5) 14 ва 16-бандлардаги «апелляцияларни» сўзидан кейин «ёки аризаларни» сўзлари қўшилсин;

6) 15-банддаги «апелляция» сўзидан кейин «ёки ариза» сўзлари қўшилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Патент божлари тўғрисидаги низомни ва Патент божлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 4-сон, 26-модда) 2-иловада:

1) 1-бўлимда:

а) «Божнинг вазифаси» устунидаги 1.3-кичик бўлимнинг 1.3.3-бандидан «олдиндан бериладиган патентлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) «Божнинг вазифаси» устунидаги 1.4-кичик бўлимнинг 1.4.4-бандидан «олдиндан бериладиган патентнинг» сўзлари чиқариб ташлансин;

2) 3-бўлимда:

а) «Божнинг вазифаси» устунидаги 3.2-кичик бўлимнинг 3.2.1-бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатидаги товар белгисини киритиш»;

б) «Божнинг вазифаси» устунида 3.2-кичик бўлимнинг 3.2.2-бандига «ҳаммага маълум товар белгиларига тегишли маълумотлар» сўзлари қўшилсин;

в) «Бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари» устунининг 3.2-кичик бўлимидаги «Экспертиза қарори» сўзларидан кейин «ёки Апелляция кенгашининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини эътироф этиш тўғрисидаги қарори» сўзлари қўшилсин;

г) «Божнинг вазифаси» устунидаги 3.3-кичик бўлимнинг 3.3.3-бандидаги «ҳуқуқига» сўзи «ҳуқуқи тўғрисидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) «Божнинг вазифаси» устунидаги 3.5-кичик бўлимнинг 3.5.2-бандидаги «ҳуқуқига» сўзи «ҳуқуқи тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин;

3) 6-бўлимда:

а) бўлимнинг номидаги «Апелляцияларни» сўзидан кейин «ва аризаларни» сўзлари қўшилсин;

б) «Божнинг вазифаси» устунининг 6.3-кичик бўлимига қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номидан

фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлигига қарши апелляциялар»;

иккинчи-учинчи хатбоши тегишли равишда учинчи-тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) «Божнинг вазифаси» ва «Бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари» устунларидаги ва 6.5-кичик бўлимнинг номидаги «апелляциялар» сўзи «аризалар» сўзи билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**161** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 27 мартдаги ПҚ-823-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 27 мартдаги ПҚ-823-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага\* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага\* мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (2007 йилги версия)га мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2008 йил 7 май,  
90-сон

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ VAZIRLAR MAХKAMACИНИНГ  
ҚАРОРИ**162 Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг минтақаларда 1-иловага\* мувофиқ мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Давлат унитар корхонасининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар янгидан ташкил этилаётган, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхонасининг асосий мезонлари этиб белгилансин:

устав фондининг энг кам миқдори — 450,0 млн сўм;

молиявий барқарорлик ва камида 200,0 млн. сўм миқдорида бўш айланма маблағларнинг мавжуд бўлиши;

бажариладиган ишлар таннархини замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш ҳисобига камайтириш;

мелиорация ва бошқа сув хўжалиги тадбирларини сифатли ва ўз вақтида бажариш;

соҳа бўйича олий маълумотга ва мелиоратив объектларни қуриш ҳамда улардан фойдаланишда камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлган раҳбарлик (шу жумладан раҳбар) ва муҳандислик-техник ходимлар, бош мутахассисларга эга бўлиш. Юқорида кўрсатиб ўтилган ходимлар корхонадаги муҳандислик-техник ходимлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши керак;

зарур миқдордаги мелиоратив техника, машиналар, механизмлар ва транспортга эга бўлган техника паркиннинг мавжуд бўлиши.

4. Белгилаб қўйилсинки:

янгидан ташкил этилаётган мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхонасининг устав фонди 2008 йил охиригача шакллантирилиши керак;

асосий хўжалик фаолиятдан олинган соф фойда белгиланган тартибда корхонанинг устав фондини тўлдиришга ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади;

янгидан ташкил этилаётган давлат унитар корхонаси тузилган контрактда назарда тутилган ишлар ҳажмининг камида 60 фоизини ўз кучи билан бажариши керак.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги давлат уни-

\* 1-илова берилмайди.

тар корхоналарига уларнинг муассислари томонидан 3-иловадаги\* рўйхатга мувофиқ мелиоратив техника, машина ва механизмлар ҳамда бошқа асосий фондларнинг белгиланган тартибда берилишини таъминласин.

6. Қўйидагилар:

2008 йилда «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси томонидан харид қилинадиган ва лизинг асосида давлат унитар корхоналарига бериладиган мелиоратив техника, машина-механизмлар рўйхати 4-иловага\* мувофиқ;

2008 йилда Хитой Халқ Республикасининг кредит маблағлари ҳисобига сотиб олиннадиган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Марказий Фарғонанинг ҳайдаладиган ерлари мелиоратив тармоқларини яхшилаш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 14 февралдаги ПҚ-794-сон қарорига, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 мартдаги 155-ф-сон фармойишига биноан давлат унитар корхоналарига бериладиган мелиоратив техника рўйхати 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари лизинг компаниялари ҳамда тижорат банклари билан биргаликда мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган корхоналар учун 6-иловага\* мувофиқ мелиоратив техниканинг лизинг асосида қўшимча равишда сотиб олинишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда белгиланган тартибда:

янгидан ташкил этилаётган давлат унитар корхоналарини бинолар ва зарур ишлаб чиқариш базалари билан таъминласин;

янгидан ташкил этилаётган давлат унитар корхоналарининг уставларини тасдиқласин;

янгидан ташкил этилган давлат унитар корхоналарининг мелиорация тадбирлари бўйича танлов (тендер) савдоларида қатнашиши юзасидан доимий назорат ва мониторингни таъминласин;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига янгидан ташкил этилган давлат унитар корхоналари фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари зиммасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**


**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 7 май,  
92-сон

\* 3—6-иловалар берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 7 майдаги 92-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Давлат унитар корхонаси бошқарув аппаратининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимлари — 14 кишигача (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари).

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,  
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**163 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 3 майда 1802-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 13 майдан кучга киради)*

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги 2007 йил 14 мартдаги ПФ–3860-сон Фармонининг 5-бандига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 11-сон, 96-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг келгусидаги чоралари тўғрисида»ги 2008 йил 27 мартдаги ПҚ–823-сон қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг кучга кириш кунидан бошлаб қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 30 мартдаги 2-5/21, 34, ЭГ-01/10-1702, 01-02/8-10-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор (2007 йил 31 март, рўйхат рақами 1669 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 149-модда);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 29 февралдаги 40, 16, ЭГ-01/19-862, 01-02/8-18-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарор (2008 йил 4 март, рўйхат рақами 1669-1

+

— Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 10-11-сон, 65-модда);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси 2008 йил 24 мартдаги 42, 25, НН-01/10-1620, 01-02/8-26-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарор (2008 йил 26 март, рўйхат рақами 1669-2 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 12-13-сон, 82-модда).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин қучга қиради.

**Иқтисодиёт вазири****Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 2 май,  
52-сон

**Молия вазири****Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 2 май,  
46-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазири****Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 2 май,  
ЭГ-01/19-2784-сон

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси****С. НОСИРОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 2 май,  
01-02/8-38-сон

Иқтисодиёт вазирлиги,  
Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий  
алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирли-  
ги, Давлат божхона қўмитасининг  
2008 йил 2 майдаги 52, 46, ЭГ-01/19-2784,  
01-02/8-38-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда  
импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан  
озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва  
эҳтиёт қисмлар рўйхати\***

Т/р	ТИФ ТН коди 2007 йил тахмини	Товарнинг қисқача номланиши
1.	7304 11 900, 7305 11 000, 7305 12 000, 7305 19 000 0, 7306 11 900 0	Нефть ва газ қувурлари
2.	7304 22 000, 7304 23 000, 7304 24, 7304 29	Нефть ёки газ конларини бурғулаш учун айланма, насос/ком-прессор ва бурғулаш қувурлари
3.	8401	Ядровий реакторлар; ...изотопларни ажратиш учун жиҳозлар ва мосламалар
4.	8402	Буғ ёки бошқа буғ ишлаб чиқарувчи қозонлар; ... буғни қайта иситувчи сув қозонлари
5.	8403 (8403 10 900 0 дан ташқари)	Марказий иситиш қозонлари, 8402 товар позициясидаги қозонлардан ташқари
6.	8404	8402 ёки 8403 товар позицияли қозонларда фойдаланиладиган қўшимча жиҳозлар..., буғли-сув ёки бошқа кучланишли мосламалар учун конденсаторлар
7.	8405	Газогенераторлар ёки тозалаш мосламаси бор сувли газ генераторлари...
8.	8406	Сув буғидаги турбиналар ва бошқа буғли турбиналар
9.	8410	Гидротурбиналар, сув ғилдираклари ва уларнинг регуляторлари
10.	8412	Двигателлар ва бошқа кучланишли мосламалар
11.	8413 40 000 0 — 8413 91 000 (8413 70 210 0, 8413 70 290 0, 8413 70 810 0, 8413 70 890 0 дан ташқари)	Ёқилғи насослари, мойли ёки ички ёниш двигателларига совуtuvчи суюқлик куйиш учун, насос қисмлари...,
12.	8414 (8414 20, 8414 51 000, 8414 60 000 0 дан ташқари)	Ҳаво ва вакуум насослари...
13.	8415 81 001 0	Саноат кондиционерлари...
14.	8417	Горнлар ва саноат ёки лаборатория ўчоқлари...
15.	8418 61 00 — 8418 69 000	Бошқа совутиш ва музлатиш жиҳозлари; иссиқлик насослари

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

Т/р	ТИФ ТН коди 2007 йил тахмини	Товарнинг қисқача номланиши
16.	8419	Машиналар, электр ва электрсиз исийдиган саноат ва лаборатория жиҳозлари...ҳарорат ўзгариши билан боғлиқ жараёнда материалларга ишлов бериш учун.
17.	8420	Каландарлар ва бошқа валкали машиналар...
18.	8421 (маиший сув филтларидан ташқари)	Центрифугалар, шу жумладан марказдан қочувчи қуритгичлар; суюқлик ва газларни фильтрация қилиш ёки тозалаш учун жиҳозлар ва мосламалар
19.	8422 20 000, 8422 30 000, 8422 40 000, 8422 90 (ТИФ ТН коди 8422 11 000 0, 8422 19 000 0 бўлган жиҳозлар учун мўлжалланган эҳтиёт қисмлардан ташқари)	Шишалар ёки бошқа идишларни ювиш ва қуритиш жиҳозлари; шишаларни, банкаларни тўлдириш, тиқинлаш, яшиқларни ёпиш учун мўлжалланган жиҳозлар; ўраш ва жойлаш жиҳозлари...ва уларнинг қисмлари
20.	8423 (8423 10, 8423 81 500 0, 8423 90000 дан ташқари)	...товарларни тортиш учун жиҳозлар, шу жумладан, тортилаётган юк вазни билан ҳаракатга келтириладиган ҳисоблаш ёки назорат машиналари...
21.	842430	Пурковчи ёки сочувчи машиналар ва шунга ўхшаш супуриш мосламалари
22.	8424 89 000 9 (саноатда товар ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш учун)	Суюқли ёки кукунни тарқатиш, отиш, майда заррачаларга айлантириш ...учун механик мосламалар (қўл бошқаруви ёки бошқарувисиз) (саноатда фойдаланиш учун), бошқалар..
23.	8425 (8425 49 000 0 дан ва автомобиллар учун кўчирма домкратлардан ташқари)	Юк кўтаргич талилар ва кўтаргичлар..., лебедкалар ва кабестанлар; домкратлар
24.	8426	Кема деррик-кранлар; кўтариш кранлари..., юк кўтариш крани билан жиҳозланган аравачалар
25.	8427	Паншаҳасимон илгакли ортгичлар; юк кўтаргич ёки юк ортиш/тушуриш мосламалари билан жиҳозланган юк ортгичлар
26.	8428 (фуқаролик қурилишида ишлатиладиган лифтлардан ташқари)	Кўтариш, силжитиш, ортиш ва тушириш машиналари ва мосламалар... бошқалар
27.	8429	Бурилмайдиган ва буриладиган ағдаргичли бульдозерлар, грейдерлар, тархлагичлар..., ўзиюар йўл катоклари
28.	8430	Тархни кўчириш, тупроқни зичлаш, чуқурлаштириш ёки бурғулаш машиналари ва бошқа механизмлар,...; қоziқоёқларни қоқиш ва чиқариш учун жиҳозлар; плугли ва роторли қор тозалагичлар

Т/р	ТИФ ТН коди 2007 йил тахмини	Товарнинг қисқача номланиши
29.	8433 (8433 11, 8433 19, 8433 20, 8433 53 100 0 дан ташқари)	Қишлоқ хўжалиги экинларини йиғиш ёки янчиш учун машиналар ва механизмлар, шу жумладан пресс-йиғувчилар...
30.	8434	Соғиш мосламалари ва аппаратлари, сутга ишлов бериш ва сутни қайта ишлаш жиҳозлари
31.	8435	Виночилик, сидр, мева шарбатлари ёки шунга ўхшаш ичим- ликларни ишлаб чиқариш учун пресслар, майдалагичлар ва шу каби машиналар
32.	8436 (8436 91 000 0, 8436 99 000 0 дан ташқари)	Қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, ўрмон хўжалиги, парранда- чилик ёки асаларичилик учун бошқа жиҳозлар...
33.	8437	Уруғ, дон ёки куруқ дуккакли экинларни тозалаш, навларга ажратиш ёки туксизлантириш машиналари; ун тортиш саноатига онд жиҳозлар...
34.	8438	Озиқ-овқат маҳсулотлари ёки ичимликларни..., мол ёғи ёки учувчан бўлмаган мойларни экстрагирлаш; ёки саноат йўли билан тайёрлаш учун жиҳозлар
35.	8439 (8439 99 дан ташқари)	Толали целлюлоза материалларидан масса тайёрлаш ёки қоғоз ёки картонга ишлов бериш учун жиҳозлар
36.	8440	Муқовалаш учун жиҳозлар, шу жумладан китоб блокларини тикиш учун жиҳозлар
37.	8441	Қоғоз массаси, қоғоз ёки картондан маҳсулот ишлаб чиқариш учун жиҳозлар, шу жумладан барча турдаги кесиш машиналари ва бошқалар
38.	8442 (8442 50 дан ташқари)	Босма блокларни тайёрлаш ёки ясаш учун шрифт қўйиш ёки шрифт териш машиналари, аппаратура ва жиҳозлар
39.	8443 (8443 31 — 8443 99 дан ташқари)	Босма машиналар..., босиб чиқариш жараёнида қўлланиладиган қўшимча машиналар
40.	8444 00	Сунъий тўқимачилик материалларини экструдирлаш, чўзиш, текстурлаш ёки кесиш учун машиналар
41.	8445	Тўқимачилик толаларини тайёрлаш учун машиналар ..., тўқи- мачилик калавасини тўқиш, эшиш ёки чийириш машиналари ва бошқа жиҳозлар ...
42.	8446	Тўқимачилик дастгоҳлари
43.	8447	Трикотаж, тўқиш-тикиш машиналари..., тафтинг машиналар
44.	8448	8444, 8445, 8446 ёки 8447 товар позицияли машиналардан фойда- ланиш учун қўшимча жиҳозлар ...
45.	8449 00 000 0	Намат, фетр, парча ёки бичиш пайтидаги нотўқимачилик материаллари ишлаб чиқариш ёки ишлов бериш; ... шляпалар ясаш учун қолиплар
46.	8451	Ювиш, тозалаш, сиқиш, қуритиш, дазмоллаш, преслаш ..., оқар- тириш, бўяш, аппретирлаш, безаш, калава, матолар ёки тайёр тўқимачилик маҳсулотларини қоплаш ёки шимдириш учун жиҳозлар ...
47.	8452 21 000 0, 8452 29 000 0	Тикув машиналари ...
48.	8453	Тери ёки пўстин тайёрлаш, ошлаш ёки ишлов бериш учун ёки пойабзал ясаш ёки таъмирлаш учун жиҳозлар ...



Т/р	ТИФ ТН коди 2007 йил тахмини	Товарнинг қисқача номланиши
49.	8454	Металлсозлик ёки қуймачилик саноатида ишлатиладиган конвертерлар, қуйиш ковши, изложницалар ва қуйиш машиналари
50.	8455	Прокат дастгоҳлари ва улар учун валкалар
51.	8456	Лазер нури ёки бошқа ёруғлик ёки фотон нури ёрдамида олиб ташлаш йўли билан ҳар қандай материалларга ишлов бериш учун дастгоҳлар ...
52.	8457	Металлга ишлов бериш учун ишлов бериш марказлари, бир позицияли ва кўп позицияли агрегат дастгоҳлари
53.	8458	Токарлик ... металл кесувчи дастгоҳлар
54.	8459	Металл кесувчи ... ташқи ва ички резьбани пармалаш, йўниб кенгайтириш, фрезировка қилиш учун дастгоҳлар ...
55.	8460	Дағал ишлов бериш-силлиқлаш, йўниб кенгайтириш, силлиқлаш, хонинглаш, махсус ишлов бериш, полировка қилиш дастгоҳлари...
56.	8461	Бўйламасига ишлов бериш, ёнламасига ишлов бериш, узайтириш дастгоҳлари...
57.	8462	Металларга буртма қолиплаш, болғалаш ёки қолиплаш орқали ишлов бериш учун ... дастгоҳлар
58.	8463	Металларга ёки металлокерамикага металлни олиб ташлашсиз ишлов бериш дастгоҳлари ...
59.	8464	Тош, сопол, бетонга ишлов бериш учун дастгоҳлар ...
60.	8465	Ёғоч, пўкак, суяк, эбонит қаттиқ пластмасса ёки шунга ўхшаш қаттиқ материалларга ишлов бериш учун ... дастгоҳлар
61.	8468	Паст ҳароратли кавшарлаш, юқори ҳароратли кавшарлаш ёки пайвандлаш учун жиҳозлар ва аппаратлар ...
62.	8474	Тупроқ, тош, рудаларни ... турларга ажратиш, ғалвирдан ўтказиш, сепарация қилиш, ювиш учун жиҳозлар...
63.	8475	Электр ёки электрон лампалар, трубкалар ёки электрон-нурли трубкаларни йиғиш учун машиналар ...
64.	8477	Резина ёки пластмассага ишлов бериш ёки шу материаллардан маҳсулот ишлаб чиқариш учун жиҳозлар ...
65.	8478	Тамаки тайёрлаш ва яшаш учун машиналар ...
66.	8479 (8479 10 000 0, 8479 89 970 1, 8479 90 дан ташқари)	Индивидуал функцияларга эга машиналар ва механик мосламалар ...
67.	8504 (8504 21 000 0, 8504 22 100 0, 8504 22 900 0, 8504 33 000 0, 8504 34 000 0 дан ташқари)	Электр, статик трансформаторлар ...
68.	8514	Саноат ёки лаборатория электр ўчоқлари ва камералари ...
69.	8515 (8515 80 110 0 дан ташқари)	Электр, лазер ёки бошқа ёруғлик ёки фотон ёрдамида ...паст ҳароратли кавшарлаш ёки юқори ҳароратли кавшарлаш ёки пайвандлаш учун машиналар ва аппаратлар
70.	8525 (8525 80 дан ташқари)	Радиотелефон, радиотелеграф алоқа, радиоэшиттириш ёки телевидение учун узатиш аппаратураси ...
71.	8526	Радиолокациявий, радионавигациявий аппаратура ва масофали бошқариш учун радиоаппаратура
72.	8530 10 000 0	Темир йўл ёки трамвай йўллари учун жиҳозлар

Т/р	ТИФ ТН коди 2007 йил тахмини	Товарнинг қисқача номланиши
73.	8543 (8543 70 900 дан ташқари)	Ушбу гуруҳнинг бошқа жойида номи келтирилмаган ёки унга киритилмаган индивидуал функцияларга эга электр машиналар ва аппаратура
74.	8601	Ташқи электр манбадан ёки аккумулятор манбадан фойдаланиладиган темир йўл локомотивлари
75.	8602	Темир йўл локомотивлари; локомотив тендерлари
76.	8604 00 000 0 (фақат темир йўллар учун)	Темир йўлларга ремонт ёки техник ёрдам учун мўлжалланган ўзи юрар ва ўзи юрмайдиган транспорт воситалари (масалан, мастер вагонлар, кранлар, шпал терадиган машиналар, назорат ўлчагичли вагонлар ва йўлларни назорат қилувчи транспорт воситалари)
77.	8605 00 000 0 (фақат темир йўллар учун)	Темир йўл вагонлари, ўзи юрмайдиган йўловчи, багаж, почта вагонлари ва бошқа ўзи юрмайдиган махсус темир йўл вагонлари (8604 товар позициясига кирадиганлардан ташқари)
78.	8606 (фақат темир йўллар учун)	Темир йўл вагонлари, ўзи юрмайдиган юк вагонлари
79.	8701 30 900 0	бошқа гусеничали тракторлар
80.	8702 — ҳайдовчи билан бирга 30 ва ундан ортиқ киши- ни ташишга мўл- жалланган, Евро 2 ва ундан ортиқ стандартларга мос келадиган автобуслар	Ҳайдовчи билан бирга 30 киши ва ундан ортиқ кишини ташишга мўлжалланган моторли транспорт воситалари
81.	8704 10, 8704 21 100 0, 8704 22 100 0, 8704 23 100 0, 8704 23 910 0, 8704 31 100 0, 8704 32 100 0, 8705 Евро 2 ва ундан ортиқ стандарт- ларга мос кела- диган	Юк ташиш ва махсус мақсадларга мўлжалланган моторли транспорт воситалари
82.	8709	Заводлар, омборлар, бандаргоҳлар ёки аэропортларда юкларни қисқа масофаларга ташишда фойдаланиладиган саноат мақсадларига мўлжалланган, ўзиюрар, кўтариш ёки юк ортиш мосламалари билан жиҳозланмаган транспорт воситалари
83.	8716 39 300 1** (фақат «Ўзавто- саноат» жамия- тининг корхона- лари учун)	Умумий оғирлиги 15 тоннадан ортиқ ва узунлиги 13,6 метрдан кам бўлмаган бошқа янги автомобиль полуприцеплари
84.	8905 10 900 0	Бошқа ер қазийдиган тўп мосламалар
85.	9018	Тиббиётда, жарроҳликда қўлланиладиган асбоблар ва мосламалар ...
86.	9022 19 000 0, 9022 29 000 0 (саноатда фойда- ланиш учун)	Рентген, альфа-, бета- ёки гамма нурларидан фойдаланишга асосланган аппаратура ... бошқалар

Т/р	ТИФ ТН коди 2007 йил тахмини	Товарнинг қисқача номланиши
87.	9024	Қаттиқлик, пишиқлик, сиқилиш, қайишқоқлик ёки бошқа механик хусусиятлар ва материалларни синаб кўриш учун машиналар ва мосламалар ...
88.	9025	Суюқликка чўктириш пайтида амал қилувчи ареометрлар ва бошқа шунга ўхшаш асбоблар ...
89.	9026	Суюқлик ва газларнинг сарфланиши, даражаси, босими ва бошқа ўзгарувчан характеристикаларини ўлчаш учун асбоблар ва аппаратура ...
90.	9027	Физикавий ва кимёвий таҳлил учун асбоблар ва аппаратура ...
91.	9030	Осциллоскоплар, спектрометрлар, электр ҳажмини ўлчаш ва назорат қилиш учун бошқа асбоблар ва аппаратура ...
92.	9031	Ўлчов ёки назорат асбоблари, мосламалар ва машиналар ...
93.	9032	Автоматик регулировка ва бошқарув учун асбоблар ва мосламалар

\* *Импорт божхона божига ва қўшилган қиймат солиғига тўлови бўйича имтиёзлар янги технологик ускуналарга қўлланилади ҳамда бутловчи ва эҳтиёт қисмларга, агарда улар контрактга (шартномага) мувофиқ технологик жиҳозлар билан бирга ажралмас қисми сифатида етказиб берилган тақдирда татбиқ қилинади.*

*Янги технологик ускуна деганда — эркин муомалага чиқариш божхона режимида божхона расмийлаштируви вақтида, уни ишлаб чиқарилган йили 3 йилдан кўп бўлмаган технологик ускуна тушунилади.*

\*\* *Фақат «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси корхоналарининг ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун (беғоналаштирмаслик шарти билан) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган миқдорда.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,  
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**164** Табiiй монополия субъектлари томонидан асосий воситаларни сотиб олиш ёки бериш бўйича битимларни амалга ошириш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартишлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
3 майда 913-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 13 майдан кучга киради)*

«Табiiй монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ-66-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан 2000 йил 22 февралда тасдиқланган «Табiiй монополия субъектлари томонидан асосий воситаларни сотиб олиш ёки бериш бўйича битимларни амалга ошириш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га (2000 йил 27 март, рўйхат рақами 913) иловага\* мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва  
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси в.б.**

**Б. УЛАШОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 25 апрель,  
8-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIЙ BANKI BOШҚARUVINING  
ҚARORI**165** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкларга ломбард кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
3 майда 501-З-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 13 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни асосида Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1998 йил 22 августдаги 14/8-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкларга ломбард кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомга (1998 йил 16 октябрда рўйхат рақами 501) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

+

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

-

Тошкент ш.,  
2008 йил 12 апрель,  
9/8-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ**166 Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
5 майда 1803-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 15 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 9 сентябрдаги 198-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 37-38-сон, 389-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**С. НОСИРОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 21 апрель,  
01-02/19-34-сон

Давлат божхона қўмитасининг  
2008 йил 21 апрелдаги 01-02/19-34-сон  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати  
декларациясини тўлдириш бўйича  
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 9 сентябрдаги 198-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 37-38-сон, 389-модда) мувофиқ олиб чиқилган товарларнинг божхона қиймати декларациясини (бундан кейин БҚД деб юритилади) тўлдириш тартибини белгилайди.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

## I. Умумий қоидалар

1. Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш, божхона тўловларини ҳисоблаш, декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматини назорат қилиш ва божхона органлари томонидан божхона статистикасини юритиш мақсадида қўлланилади.

2. Товарни экспортга сотишда унинг «ДАФ — Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси» (DAF — «delivered at frontier») шартларига келтирилган қиймати олиб чиқиладиган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

3. БҚД тегишли божхона юк декларациясининг (бундан кейин БЮД деб юритилади) иловаси бўлиб, усиз ҳақиқий ҳисобланмайди. БҚД ушбу Йўриқноманинг 5-бандида келтирилган ҳолатлардан ташқари Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган барча товарлар учун тўлдирилади ва товарларнинг божхона расмийлаштирувини амалга оширадиган божхона органига БЮД билан бир вақтда тақдим этилади.

## II. БҚД ва уни тўлдириш тартиби

4. БҚД олти нусхада тўлдирилиб, булардан:

а) биринчи нусха — божхона органи ҳужжатларида сақланади;

б) иккинчи нусха — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси статистик ҳисоботи учун;

в) учинчи нусха — декларантга қайтариб берилади;

г) тўртинчи нусха — божхона тўловлари ҳисоботини юритувчи божхона органи учун;

д) бешинчи нусха — товарларни олиб чиқишда товар юк ҳужжатлари билан бирга товар қабул қилувчи давлатга юборилади.

е) олтинчи нусха — товар экспорт қилувчи учун.

5. БҚД қўйидаги ҳолатларда тўлдирилмайди:

олиб чиқиладиган товарлар тўпламининг божхона қиймати 1000 АҚШ долларига тенг қийматдан ошмаса (тижорат мақсадида олиб чиқиладиган товарлар бундан мустасно);

жисмоний шахслар томонидан уларнинг яшаш жойи ўзгарган тақдирда шахсий (хўжалик) мол-мулклари ҳисобланган товарлар олиб чиқилганда (шахснинг олдинги яшаш жойидан ҳисобдан чиқарилганлигини тасдиқловчи белги мавжуд бўлганда);

узок муддатли хизмат сафарига кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсий мулклари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетаётган бошқа давлатлар фуқароларининг Ўзбекистон Республикасига олиб кирган шахсий мулклари олиб чиқилганда;

тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган намуналар, реклама материаллари, гуманитар ёрдам шаклидаги товарлар ва бошқа товарлар олиб чиқилганда;

6. БҚД ушбу Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ БҚД-1 шаклида ёки Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ БҚД-2 шаклида тўлдирилади.

Олиб чиқиладиган товарнинг божхона қиймати қўйидаги асосларда белгиланган ҳолатларда БҚД-1 шакли тўлдирилади:

а) олиб чиқиладиган товарнинг олди-сотди битими қиймати бўйича;

б) олиб чиқиладиган товарнинг ишлаб чиқарилиши ва сотилиши билан боғлиқ

харажатлар акс этган сотувчи-экспорт қилувчининг бухгалтерия ҳисоби маълумоти бўйича;

в) олиб чиқиладиган товарни балансга кирим қилиш ва чиқариш тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари бўйича.

Бошқа ҳолатларда БҚД БҚД-2 шаклида тўлдирилади.

7. БҚД-1 ва БҚД-2 шакллариининг ҳар бири 2 та асосий варақлардан иборат: биринчи (олд) ва божхона қиймати ва унинг элементлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатиладиган иккинчи варақ. БҚД-1 ва БҚД-2 шаклдаги декларациялар (асосий варақлар) биттадан учта тургача бўлган товарлар учун тўлдирилади. Учта турдан кўп товарлар учун қўшимча варақлардан фойдаланилади ва бу варақлар ҳам ўз навбатида биттадан учта тургача бўлган товарлар учун тўлдирилади.

БҚД-1 ва БҚД-2 шакл декларациясининг олд варағида кўрсатилган барча маълумотлар қўшимча варақларда кўрсатилган товарларга бутунлай тааллуқли бўлса, қўшимча варақлардан фойдаланиш мумкин. Қўшимча варақлар сифатида БҚД-1 ва БҚД-2 шакллариининг иккинчи варақларидан фойдаланилади.

8. БҚД ва унинг қўшимча варақлари компьютер ёки ёзув машинасида давлат ёхуд рус тилларида тўлдирилади.

9. БҚД ёки қўшимча варақларда ўчириб тўғрилаш ва устидан тузатишлар бўлмаслиги лозим. Декларант томонидан киритилган барча тузатишлар фақат декларант томонидан ёзувларни ўчириш ва керакли маълумотларни кўк ёки қора шарикли ручка билан устидан ёзиш орқали амалга оширилади. Ҳар қандай тузатишлар декларант жисмоний шахс бўлса, унинг имзоси билан, декларант юридик шахс бўлса, масъул ходимининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим.

Тушунарсиз ҳолда, тузатишлар ва декларант томонидан тасдиқланмаган ўзгаришлар билан тўлдирилган БҚД божхона органлари томонидан қабул қилинмайди. БҚДнинг (БҚД-1 ва БҚД-2 шакллари) ҳар бир варағи декларантнинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

### § 1. БҚД-1 шаклини тўлдириш тартиби

10. Декларант томонидан қуйидаги устунлар тўлдирилади: 1(а), 1(б), 2, 3, 4(а), 4(б), 5, 6(а), 6(б), 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13(а), 13(б), 13(в), 14, 15(а), 15(б), 15(в), 16(а), 16(б), 16(в), 16(г), 17, 18, 19(а), 19(б), 19(в), 19(г), 19(д), 19(е), 19(ж), 19(з), 20, 21, 22, 23, 24.

11. 1(а)-«Сотувчи» устунда экспорт қилувчининг номи ва юридик манзили кўрсатилади. Агар товар жўнатувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлса, корхона ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлагичи бўйича коди (КТУТ) (юридик шахслар учун) ёки солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР) (жисмоний шахслар учун) кўрсатилиши лозим.

1(б)-«Декларант» устунда товарни декларацияловчи ва тақдим этувчи юридик шахснинг номи, почта манзили ҳамда КТУТ бўйича коди ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи, почта манзили ва СТИР кўрсатилади. Агар сотувчи декларант бўлса, 1(б)-устунга «1(а)-устунига қаранг» ёзуви билан ҳавола қилинади.

2-«Сотиб олувчи» устунда товарни сотиб олувчи импорт қилувчининг номи (фамилияси, исми, шарифи) ва почта манзили кўрсатилади.

3-«Етказиб бериш шарти» устунда товар етказиб бериш шартининг ҳарфларда қисқартирилган номи (Инкотермс 2000 асосида) ва географик жой номи кўрсатилади. Масалан: DAF — Сарағоч станцияси ва ҳ. к.

4(а)-«Ҳисоб-фактура ёки бошқа ҳужжатнинг рақами ва санаси» устунда товар



олиб чиқиш учун асос бўлган ҳисоб-фактура (инвойс) ёки бошқа ҳужжатнинг рақами ва санаси кўрсатилади.

4(б)-«Шартнома рақами ва санаси» устунда товарни олиб чиқиш учун тузилган шартноманинг (битим, келишув), шунингдек, шартнома қўшимчасининг (агар шартнома қўшимчалари мавжуд бўлса) рақами ва санаси кўрсатилади.

5-«Қўшимча варақлар сони» устунда БҚД-1 шаклига илова қилинган қўшимча варақлар сони кўрсатилади.

6(а), 6(б), 7, 8, 9, 10-устунлардаги керакли жавоб «Х» белгиси («Ҳа» ёки «Йўқ») билан белгиланади.

8, 9, ва 10-устунларда агар жавоб «Ҳа» бўлса, батафсил ёритилади, яъни мазкур шартнинг мазмуни келтирилади.

11-«Декларация имзолаган шахс» устунда 1(б) устунда кўрсатилган шахслар номидан товарларни декларациялаш ваколатига эга бўлган шахс Ф.И.Ш, эгаллаб турган лавозими ва телефон рақами кўрсатилади.

12-«Жой ва сана» устунда БҚД-1 тўлдирилган жой ва сана кўрсатилади.

## § 2. БҚД-1 шаклининг қўшимча варағини тўлдириш тартиби

12. БҚД-1 шаклининг ҳар бир қўшимча варақларида учта тургача товарлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Ҳар бир қўшимча варақда унинг тартиб рақами ва БҚД-1 шаклининг рўйхатга олиш рақами кўрсатилади.

13. «Товар рақами» устунда БЮДнинг ёки унинг қўшимча варағининг айнан ўхшаш устундаги тегишли товарнинг рақами ва ТИФ ТН коди кўрсатилади.

«Ҳисоб-китоб қилиш учун асос» А бўлимида товарнинг божхона қийматини аниқлаш учун асос бўлган амалда тўланган ёки тўланиши керак бўлган нарх ҳақида маълумотлар келтирилади. Агар товарнинг етказиб бериш шarti (3-устун) ва шартноманинг бошқа шартларига асосан мазкур нархга қўшиш ёки айириш талаб этилмаса, кўрсатилган нарх олиб чиқиладиган товарнинг божхона қийматига тенг бўлиши мумкин. Бундай ҳолда божхона қийматини белгилаш ва назорат қилиш тақдим этилган ҳужжатлар асосида, зарур ҳолларда амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нархга тузатишлар киритиш (ўзаро боғлиқлик таъсири, шартлар ва чекловлар) орқали текшириш ва тасдиқлаш билан амалга оширилади. Бунда, А бўлимининг 14-устундаги жами 24 (а) устунда қайтарилади.

13(а)-«Товарнинг шартномада белгиланган валютадаги қиймати» устунда товарнинг сотувчига амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган шартномада белгиланган валютадаги қиймати кўрсатилади.

13(б)-«Сотувчи — экспорт қилувчининг бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлар бўйича товарнинг қиймати» устунда олиб чиқиладиган товарни ишлаб чиқариш ва сотишда қилинган ҳаражатларни акс этирувчи сотувчи — экспорт қилувчининг бухгалтерия ҳисоби асосида белгиланган товарнинг қиймати кўрсатилади.

13(в)-«Бухгалтерия маълумотлари бўйича товарнинг қиймати» устунда олиб чиқиладиган айнан ёки шунга ўхшаш товарларни кирим қилиш ва балансдан чиқариш тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари асосида аниқланган товарнинг қиймати кўрсатилади. Айнан ёки ўхшаш товарларни аниқлашда «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19 ва 20-моддаларига амал қилиниши лозим.

14. «А бўлимида киритилмаган шартнома нархига қўшимча қўшишлар» Б бўлимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 сентябрдаги 198-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил,

37-38-сон, 389-модда) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 5-бандида кўрсатилган ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган (товар олиб чиқиш учун асос бўлган ташқи савдо шартномаси ва бошқа ҳужжат, юк-кузатув, ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатлар) шартнома нархига қўшишлар инобатга олинади.

14 — 18-устунлардаги барча маълумотлар сўмда келтирилади.

14-«Сотувчининг харажатлари» устунда 13(а), 13(б) ва 13(в) устунларида кўрсатилган товар нархига қўшилмаган сотувчининг харажатлари акс эттирилади.

14(а)-устунда агар олдиндан олди-сотди нархига сотувчи томонидан амалга оширилган воситачилик ва брокерлик тўловлари ва бошқа воситачилик хизматлари бўйича харажатлар киритилмаган бўлса, кўрсатилади. Агар БҚД-1 шакли бир тўпламга кирувчи бир неча номдаги товарлар учун тўлдирилса ва шартнома шу тўпламдаги барча ёки бир неча товарларга тааллуқли бўлса, воситачилик, брокерлик ва бошқа воситачилик тўловлари 13(а), 13(б) ва 13(в) устунларида кўрсатилган ҳар бир номдаги товарлар ўртасида қиймати бўйича пропорционал равишда тақсимланади.

14(б)-устунда агар контейнерлар ва (ёки) бошқа кўп марталаб ишлатиладиган тараларга товар номенклатурасига мувофиқ баҳоланаётган товар билан бир бутун сифатида қаралса, сотувчининг контейнерлар ва (ёки) бошқа кўп марталаб ишлатиладиган тараларга қилган харажатлари кўрсатилади. Агар кўп марталаб ишлатиладиган таралардан фойдаланилса, унда бир неча бор товар етказиб беришда уларнинг нархи ҳар бир тўпламдаги товарлар миқдорига пропорционал равишда тақсимланади. Тарага қилинган харажатларнинг пропорционал равишда тақсимланиши (яъни унинг қийматини қисмларга бўлиб ҳар бир тўпламга ўтказиш) шартномада ўз аксини топган ёки бирор бир ҳужжат билан тасдиқланган бўлса, божхона органи томонидан қабул қилинади. Тара учун қилинган харажатларга тарани сотувчига қайтариш билан боғлиқ бўлган алоҳида тўланадиган харажатлар киритилмайди.

14(в)-устунда сотувчининг жойлаш, шу жумладан жойлаш материаллари ва жойлаш ишлари билан боғлиқ бўлган харажатлари кўрсатилади.

15-устунда олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш ва/ёки экспортга сотиш учун сотиб олувчи бевосита ёки билвосита сотувчига бепул ёки пасайтирилган нарх бўйича кўрсатадиган хизматлар ва етказиб берадиган товарлар қиймати ўз аксини топади.

15(а)-устунда хом ашё, материаллар, деталлар, ярим тайёр фабрикатлар ҳамда олиб чиқиладиган товарнинг таркибий қисми ҳисобланадиган бошқа бутловчи қисмларнинг қиймати кўрсатилади. Сотувчи томонидан учинчи шахслардан уларни сотиб олишда тўланган нарх мазкур товарларнинг (хизматлар) қиймати ҳисобланади. Агар мазкур товарлар сотувчи ёки у билан боғлиқ шахс томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, сотувчининг тегишли бухгалтерия ҳужжатлари билан тасдиқланган ишлаб чиқариш қиймати уларнинг ишлаб чиқариш қиймати сифатида қабул қилинади. Агар сотиб олувчига сотувчи томонидан аввал ишлатилган товарлар тақдим этилса, уларнинг қиймати сотувчининг бухгалтерия маълумотлари асосида эскириш даражаси ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Агар сотувчи томонидан сотиб олувчига хом ашё, материаллар, деталлар, ярим тайёр фабрикатлар ҳамда олиб чиқиладиган товарнинг таркибий қисми ҳисобланадиган бошқа бутловчи қисмларни қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш ва бошқа хизматлар кўрсатилган бўлса, мазкур хизматлар қиймати (божхона қийматини ҳисоблашда) уларни сотувчи томонидан ишлаб чиқарилган ёки сотиб олинган нархи эътиборга олинади.

15(б)-устунда олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган

инструментлар, штамплар, шакллар ҳамда бошқа шу каби жиҳозлар қиймати кўрсатилади.

15(в)-устунда олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқаришда сарфланган ёрдамчи материаллар қиймати кўрсатилади.

15(г)-устунда сотувчи томонидан сотиб олувчига муҳандислик ишланмалари, тажриба-конструкторлик ишлари, дизайн, бадий жиҳозлаш, олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш учун бевосита зарур бўлган эскизлар ва чизмалар бора-сида кўрсатган хизматлари қиймати кўрсатилади.

16-устунда сотиб олувчи олиб чиқиладиган товарларни харид қилиш шартлари сифатида бевосита ёки билвосита амалга оширилиши керак бўладиган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун тўлаши керак бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар

17-устунда олиб чиқиладиган товарни кейинчалик бирон-бир тарзда қайта сотиш, тасарруф этиш ёки улардан фойдаланишдан олинган, товар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқилгандан кейин сотувчига бевосита ёки билвосита тегишли бўладиган тушумларнинг исталган қисми қиймати эътиборга олинади.

18-«Товарни ... гача етказиб беришдаги харажатлар» устунда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлашда, товарни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидаги жойгача етказиб беришда амалда вужудга келадиган харажатлар инobatга олинади.

18(а)-устунда агар етказиб бериш шартига мувофиқ товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойигача бўлган транспортда ташиш харажатлари баҳоланаётган товар нархига қўшилмаган бўлса, улар кўрсатилади. Исталган турдаги транспорт воситалари орқали товарларни етказиб беришда, божхона қийматига юкни транспортда ташиш даврида амалда бўлган тегишли транспортда ташиш тарифлари асосида ҳисоблаб чиқилган маблағ қўшилади. Агарда мазкур транспорт воситасида юкни ташиш бўйича ягона тариф ҳақида маълумотлар мавжуд бўлмаса, транспорт харажатларини ҳисоблаб чиқаришда харажатларнинг зарур моддалари ва элементларидан иборат транспорт харажатларини калькуляция қилиш бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш лозим. Агар БҚД-1 бир неча турдаги товарлар учун тўлдирилса, олиб чиқиш жойигача бўлган транспорт харажатлари уларнинг оғирлигига пропорционал равишда тақсимланади.

18(б)-устунда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойигача амалга оширилган юклар, тушириш, қайта юклар ва ортиш-тушириш харажатлари баҳоланаётган товарнинг нархига қўшилмаган ва сотувчи томонидан алоҳида (қўшимча) тўланган бўлса, мазкур бандда ушбу харажатлар кўрсатилади. Агар БҚД-1 бир неча турдаги товарлар учун тўлдирилган бўлса, юклар, тушириш, қайта юклар ва ортиш-тушириш харажатлари товарларнинг оғирлигига пропорционал равишда тақсимланади.

18(в)-устунда юкни суғурта тўлови кўрсатилади.

18(г)-устунда сертификатлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича хизматлар қиймати кўрсатилади.

18(д)-устунда товарни сақлаш учун тўловлар кўрсатилади.

18(е)-устун товарлар қайта экспорт қилинганда тўлдирилади. Бу устунда илгари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб киришда тўланган божхона расмийлаштируви учун тўланган йиғимлар кўрсатилади.

18(ж)-устунда товарнинг қайта экспорт қилиниши сабабли қайтарилиши лозим бўлган тўловлар айирилган ҳолда божхона тўловлари суммаси кўрсатилади.

18(з)-устун товарлар қайта экспорт қилинганда тўлдирилади. Бу устунда бошқа харажатлар кўрсатилади.

19-«Сўмдаги жами» устунда 14(а), 14(б), 14(в), 15(а), 15(б), 15(в), 15(г), 16, 17, 18(а), 18(б), 18(в), 18(г), 18(д), 18(е), 18(ж), 18(з) - устунлардаги суммаларнинг жами кўрсатилади. Бунда, товарнинг баҳоланаётган нархига «А» бўлимда қўшилмаган ва божхона қийматига қўшилиши лозим бўлган қўшимча ҳисоблашлар ҳисобга олинади.

15. В «А бўлимнинг 2-устунида кўрсатилган қийматдан (сўмда) айриладиган суммалар» бўлимида агар ҳужжатлар (транспортда ташиш учун ҳисоб, транспорт харажатлари калькуляцияси ва бошқалар) билан тасдиқланган бўлса, шартнома нархидан товарни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан қайта олиб чиқилгандан кейин товарни мўлжал жойга етказиш билан боғлиқ амалга оширилган жами харажатлардан айирилиши лозим бўлган харажатлар кўрсатилиши мумкин.

20 — 23-устунлардаги барча маълумотлар сўмда кўрсатилади.

20-«..... дан кейинги ташиш харажатлари» устунида товарни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойидан мўлжал жойгача бўлган ташиш харажатлари кўрсатилади. Мазкур устунда, ҳисоб-фактурасида алоҳида кўрсатилган ҳолда шартнома нархидан айириш мақсадида товарни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойидан мўлжал жойгача бўлган ташиш харажатлари декларант томонидан келтирилиши мумкин.

Агар шартномада СІР (СІП), СРТ (СПТ), DDP (ДДП), DDU (ДДУ), СІФ (СІФ) етказиб бериш шартлари кўзда тутилган бўлса ва товарнинг фактура қийматига мўлжал жойгача етказиб бериш харажатлари қўшилса, мазкур харажатларни шартнома нархидан ажратиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидаги олиб чиқиш жойи ва шу жойдан мўлжал жойгача бўлган транспорт харажатларини алоҳида ҳисобга олиш мақсадида харажатларни ҳисоб-фактурасида ёки шартнома-нинг тегишли шартида алоҳида келтириш лозим.

Товарнинг мўлжал жойгача бўлган транспорт харажатлари бўйича ҳисоб-фактурасида харажатлар юқоридаги тартибда ажратиб кўрсатилмаган бўлса, божхона органига «чегарагача» бўлган харажат «мўлжал жойгача» бўлган харажатдан анча пастлигини тасдиқловчи асосланган маълумотлар тақдим этилсагина, товарларни «олиб чиқиш жойидан мўлжал жойгача» харажатлар ажратиб олиниши мумкин.

21-«Қайтарилиши лозим бўлган тўловлар» устунида товарлар қайта экспорт қилинаётганлиги сабабли қайтарилиши лозим бўлган тўловлар кўрсатилади.

22-«Сўмдаги жами» устунида 20 ва 21-устунларда кўрсатилган суммалар йиғиндиси келтирилади.

23(а)-устунда 13-устун + 19-устун – 22-устун тартибида ҳисобланган божхона қиймати сўмда кўрсатилади.

23(б)-устунда шартномада белгиланган валютада қайта ҳисобланган 23(а)-устунда кўрсатилган божхона қиймати кўрсатилади. Шартномада белгиланган валютада қайта ҳисоблаш А бўлимда кўрсатилган курс бўйича амалга оширилади. Агар шартнома бўйича ҳеч қандай ҳужжатда хорижий валюта тури кўрсатилмаган бўлса, 23(б) устунда маълумотлар АҚШ долларарида келтирилади.

24-«Декларация имзолаган шахс» устунида 1(б) устунда кўрсатилган корхона номидан товарларни декларациялаш ваколатига эга бўлган шахс Ф.И.Ш, эгаллаб турган лавозими ва телефон рақами кўрсатилади.

**§ 3. БҚД-2 шаклини тўлдириш тартиби**

16. Декларант 1(а), 1(б), 2, 3, 4(а), 4(б), 5, 6, 7, 8, 9, 10(а), 10(б), 10(в), 10(г), 10(д) ва 11-устунларни тўлдиради.

17. 1(а), 1(б), 2, 3, 4(а), 4(б) - устунлар ушбу Йўриқнома талаблари асосида БҚД-1 шаклидаги декларациянинг тегишли устунларини тўлдириш тартиби бўйича тўлдирилади.

5-«Қўшимча варақлар сони» устунида БҚД-2 шаклига илова қилинган қўшимча варақлар сони кўрсатилади.

6-устунда божхона қийматини аниқлашга асос бўлган маълумот манбаси «Х» белгиси билан белгиланади.

7-устунда божхона органи томонидан 6-устунда белгиланган маълумотлар манбаси тавсифланади.

8-«Декларация имзолаган шахс» устунида 1(б) устунда кўрсатилган корхона номидан товарларни декларациялаш ваколатига эга бўлган шахс Ф.И.Ш, эгаллаб турган лавозими ва телефон рақами кўрсатилади.

9-«Жой ва сана» устунида БҚД-2 тўлдирилган жой ва сана кўрсатилади.

**§ 4. БҚД-2 шаклининг қўшимча варағини тўлдириш тартиби**

18. Ҳар бир варақда учтагача товарлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши мумкин. Ҳар бир қўшимча варақда унинг тартиб рақами ва БҚД-2 шаклининг рўйхатга олиш рақами кўрсатилади.

19. «Товар рақами» устунида БЮДнинг ёки унинг қўшимча варағининг айнан ўхшаш устунидаги тегишли товарнинг рақами ва ТИФ ТН коди кўрсатилади.

10(а)-устунда олиб чиқиладиган айнан ёки шунга ўхшаш товарларнинг ташқи савдо шартномалари бўйича нархлари кўрсатилади.

10(б)-устунда олиб чиқиладиган айнан ёки шунга ўхшаш товарлар қиймати (таннархи) калькуляцияси бўйича нархлар кўрсатилади.

10(в)-устунда айнан ёки шунга ўхшаш товарлар учун нархларнинг биржа коти-ровкалари бўйича нархлари кўрсатилади.

10(г)-устунда тегишли минтақавий бозорлардаги олиб чиқилаётган товарлар бўйича нархлар кўрсатилади.

10(д)-устунда олиб чиқиладиган товарларнинг белгиланган тартибда амалга оширилган товар-қиймат экспертизаси маълумотлари бўйича нархлар кўрсатилади.

11-«Декларация имзолаган шахс» устунида 1(б) устунда кўрсатилган корхона номидан товарларни декларациялаш ваколатига эга бўлган шахс Ф.И.Ш, эгаллаб турган лавозими ва телефон рақами кўрсатилади.

**III. Божхона органи томонидан БҚДни тўлдириш ва рўйхатга олиш**

20. Божхона органлари томонидан БҚД шакли асосий ва қўшимча варақларининг «БЮДнинг рўйхатга олиш рақами» ва «божхона қайдлари учун» бандлари тўлдирилади. БҚД ҳар бир нухасининг асосий ва қўшимча варақларидаги «божхона қайдлари учун» устунида БҚДнинг рўйхатга олиш рақами қўйилади, шунингдек, божхона қийматини назорат қилувчи мансабдор шахс декларацияни текшириши натижасида тегишли маълумотларни қайд этади, шахсий рақамли муҳри ва имзоси билан тасдиқлайди.

21. Божхона органи БҚДни БЮД билан бир вақтда рўйхатга олади. Бунда илова қилинган БҚДга БЮДнинг рўйхатга олиш рақами (99999 / 99.99.99 / 999999) кўчириб ёзилади. БҚД текшириб бўлингандан сўнг, унинг асосий ва қўшимча варақлари «хизмат қайдлари учун» бандига БҚДнинг рўйхатга олиш рақами қўйилади ва БҚД текширувини амалга оширган инспекторнинг имзоси ва шахсий рақамли муҳри билан тасдиқланади. Олд варағида божхона органининг белгиланган божхона қиймати бўйича қарори ва товарни декларант фойдаланишига тақдим этиш шакли тўғрисида ёзиб қўйилади.

22. Божхона қиймати декларацияси тўғри тўлдирилган, божхона қийматини аниқлаш усули декларант томонидан қўлланилган ва маълумотлар ўрнатилган тартибда ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда, БҚД ҳар бир варағининг «божхона қайдлари учун» бандида «божхона қиймати қабул қилинди» белгиси қўйилади ва БҚДни қабул қилган мансабдор шахснинг имзоси ва шахсий рақамли муҳри билан тасдиқланади.

23. БҚДнинг асосий ва қўшимча варақларининг бирор-бир устунда декларант томонидан кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар учун етарли жой бўлмаса, ушбу маълумотлар БҚДнинг асосий ва қўшимча варақлари орқа томонига тегишли устунни кўрсатилган ҳолда қўшимча равишда ёзилишига рухсат этилади. Бундай ёзув декларантнинг имзоси билан тасдиқланади ва БҚДнинг тегишли устунларида «варақ орқасида» ёзуви кўрсатилади.

#### **V. Яқуний қоидалар**

— 24. Божхона қийматини кўрсатишда декларант томонидан тақдим этиладиган ва унинг томонидан тижорат сири ёки махфий деб белгиланадиган ахборотдан божхона органи томонидан фақат божхона мақсадлари учун фойдаланилади ва декларантнинг рухсатисиз уларнинг учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно. +

25. Тижорат сири ёки махфий ҳисобланадиган ахборотни ошкор қилганлик учун божхона органи ва унинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномага  
1-ИЛОВА

Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясининг  
БҚД-1 шакли

ТИПОГРАФИК рақам		
ЎЗБЕКИСТОН - UZBEKISTAN		
ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ		
Божхона учун нусха	<b>АСОСИЙ ВАРАҚ</b>	<b>БҚД-1 ШАКЛИ</b>
	1(а). Сотувчи <span style="float: right;">КТУТ / СТИР</span>	БЮД рўйхатга олиш рақами
	1(б). Декларант <span style="float: right;">КТУТ / СТИР</span>	Божхона қайдлари учун
	2. Сотиб олувчи	3. Етказиб бериш шарти
Керакли жавоб Х белгиси билан белгиланади.		4(а). Товар олиб чиқишга асос бўлган ҳисоб-фактура ёки бошқа ҳужжатнинг рақами ва санаси
6(а). Харидор ва сотувчи бир-бирига боғлиқ шартларми? <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ		4(б). Шартнома рақами ва санаси (шартнома мавжуд бўлса)
6(б). Бундай ўзаро боғлиқлик битим қийматига таъсир этганми? <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ		5. БҚД-1 шаклга илова қилинган қўшимча варақлар сони
7. Харидорнинг товарларни тасарруф этиши ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқига тааллуқли чекловлар мавжудми? (қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолда) товар қийматига жиддий таъсир кўрсатувчи чекловлар бундан мустасно. <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ		
8. Товарни сотиш ва битим қиймати таъсирини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган шартларга риоя этилишига боғлиқ ҳолатлар мавжудми? <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ Агар «Ҳа» бўлса, тафсилотларни кўрсатинг.		
9. Сотиб олувчи олиб чиқиладиган товарларни харид қилиш шартлари сифатида бевосита ёки билвосита амалга оширилиши керак бўладиган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун тўлаш керак бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар мавжудми? <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ Агар «Ҳа» бўлса, тафсилотларни кўрсатинг, 16-устунда тегишли суммани кўрсатинг.		
10. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқилган товарни кейинчалик қайта сотиш, тасарруф этиш ёки ундан фойдаланишдан келган тушумнинг бевосита ёки билвосита сотувчига тегиши керак бўлган исталган қисмининг қийматини қайтариш билан боғлиқ шартлар мавжудми? <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ Агар «Ҳа» бўлса, тафсилотларни кўрсатинг, 17-устунда тегишли суммани кўрсатинг.		
11. Декларация имзолаган шахс лавозими: Фамилияси, исми, шарифи : Телефон:		12. Жой:  Сана:
<b>ДИҚҚАТ!</b>		
Декларант божхона қийматини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги ва ушбу шаклда кўрсатилган барча маълумотлар учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Декларант божхона расмийлаштируви жараёнида маълум қилинган қийматни тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни ўз вақтида божхона органига тақдим этиши шарт.		Декларант имзоси ва муҳри

ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ					
Божхона учун нусха	ҚЎШИМЧА ВАРАҚ №		БҚД-1 ШАКЛИ		
	БЮДнинг рўйхатга олиш рақами		Товар рақами	Товар рақами	Товар рақами
	Божхона қайдлари учун		Товар коди	Товар коди	Товар коди
<b>«Ҳисоб-китоб асоси «А»</b>					
	13(а) Товарнинг шартномада белгиланган валютадаги қиймати (амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган қиймати)				
	Валюта коди				
	Қайта ҳисоблаш курси				
	13(б) олиб чиқилadиган товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун қилган харажатларини акс эттирувчи сотувчи – экспорт қилувчининг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари.				
	Валюта коди				
	Қайта ҳисоблаш курси				
	13(в) Олиб чиқилadиган айнан ёки ўхшаш товарларни кирим қилиш ва балансдан чиқариш тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари.				
	Валюта коди				
	Қайта ҳисоблаш курси				
<b>«Б» «А бўлимида ҳисобга олинмаган шартнома нархига қўйишлар»</b>					
14. Сотувчининг харажатлари:					
	14(а) воситачилик ва брокерлик тўловлари;				
	14(б) контейнерлар ва (ёки) бошқа кўп мартаб ишлатиладиган таралар нархлари, агар уларга ТИФ ТНга мувофиқ баҳоланаётган товар билан бир бутун сифатида қаралса;				
	14(в) жойлаш қиймати, шу жумладан жойлаш материаллари ва жойлаш ишлари билан боғлиқ харажатлар.				
15. Олиб чиқилadиган товарларни ишлаб чиқариш ва/ёки экспортга сотиш учун сотиб олувчи бевосита ёки билвосита сотувчига бепул ёки пасайтирилган нарх бўйича кўрсатилган хизматлар ва етказиб берадиган товарлар қийматининг тегишли қисми:					
	15(а) хом ашё, материаллар, деталлар, ярим тайёр фабрикалар ва олиб чиқилadиган товарнинг таркибий қисми ҳисобланадиган бошқа бутловчи қисмлар;				
	15(б) инструментлар, штамплар, шакллар ва олиб чиқилadиган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган бошқа шу каби жиҳозлар;				
	15(в) олиб чиқилadиган товарларни ишлаб чиқаришда сарфланган ёрдамчи материаллар;				
	15(г) муҳандислик ишланмалари, тажриба-конструкторлик ишлари, дизайн бадий жиҳозлаш, олиб чиқилadиган товарларни ишлаб чиқариш учун бевосита зарур бўлган эскизлар ва чизмалар.				
	16. Сотиб олувчи олиб чиқилadиган товарларни харид қилиш шартлари сифатида бевосита ёки билвосита амалга оширилиши керак бўладиган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун тўлаши керак бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар.				



<p>17. Олиб чиқиладиган товарни кейинчалик бирон-бир тарзда қайта сотиш, тасарруф этиш ёки улардан фойдаланишдан олинган, товар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқилгандан кейин сотувчига бевосита ёки билвосита тегишли бўладиган тушумларнинг исталган қисми қиймати.</p>	<table border="1"> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>			
<p>18. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойигача бўлган ташинхаражатлари:</p>	<table border="1"> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>			
<p>18(а) транспортировка қилиш нархи;</p>	<table border="1"> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>			
<p>18(б) юклаш, тушириш, қайта юклаш ва ортиш-тушириш харажатлари;</p>	<table border="1"> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>			
<p>18(в) сугурталаш тўлови ;</p>	<table border="1"> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>			
<p>18(г) сертификатлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича хизматлар қиймати;</p>	<table border="1"> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>			
<p>18(д) товарни сақлаш учун тўловлар;</p>	<table border="1"> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>			
<p>18(е) божхона расмийлаштируви учун йиғимлар (товарлар реэкспорт қилинганда);</p>	<table border="1"> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>			
<p>18(ж) товарнинг реэкспорт қилиниши сабабли қайтарилиши лозим бўлган тўловлар айрилган ҳолда божхона тўловлари;</p>	<table border="1"> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>			
<p>18(з) бошқа харажатлар.</p>	<table border="1"> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>			
<p><b>19. Сўмдаги жами «В»</b></p>				
<p><b>«В» «А» бўлимининг 2-устунида кўрсатилган қийматдан (сўмда) айриладиган суммалар</b></p>				
<p>20. ЎзР. божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойидан мўлжал жойигача бўлган ташинхаражатлари</p>	<table border="1"> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>			
<p>21. Товарлар реэкспорт қилинаётганини сабабли қайтарилиши лозим бўлган тўловлар.</p>	<table border="1"> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>			
<p><b>22. Сўмдаги жами «В»</b></p>				
<p><b>23. Кўрсатилган божхона қиймати:</b></p>				
<p><b>а) сўмда</b></p>	<table border="1"> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>			
<p><b>б) шартномада белгиланган валютада</b></p>	<table border="1"> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>			
<p>24. Декларация имзолagan шахснинг лавозими :                  Фамилияси, исми, шарифи :                  Телефон:</p>	<p>Декларантнинг имзоси ва муҳри</p> <p>Сана</p>			
<p style="text-align: center;"><b>ДИҚҚАТ!</b></p> <p>Декларант божхона қийматини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги ва ушбу шаклда кўрсатилган барча маълумотлар учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Декларант божхона расмийлаштируви жараёнида маълум қилинган қийматни тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни ўз вақтида божхона органига тақдим этиши шарт.</p>				

Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномага  
2-ИЛОВА

Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясининг  
БҚД-2 шакли

ТИПОГРАФИК РАҚАМ		
ЎЗБЕКИСТОН - UZBEKISTAN		
ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ		
Божхона учун нусха	<b>АСОСИЙ ВАРАҚ</b>	<b>БҚД-2 ШАКЛИ</b>
	1(a) Сотувчи <span style="float: right;">КТУТ / СТИР</span>	БЮД рўйхатга олиш рақами
	1(б) Декларант <span style="float: right;">КТУТ / СТИР</span>	Божхона қайдлари учун
	2. Сотиб олувчи	3. Етказиб бериш шарти
Керакли жавоб Х белгиси билан белгиланади		4(а). Товар олиб чиқишга асос бўлган ҳисоб-фактура ёки бошқа ҳужжатнинг рақами ва санаси
		4(б). Шартнома рақами ва санаси (агар шартнома мавжуд бўлса)
		5. БҚД-2га илова қилинган қўшимча арақлар сони
<p>6. Декларантда мавжуд бўлган маълумотлар асосида товарнинг божхона қиймати нархланади:</p> <p>а) олиб чиқиладиган айнан ёки ўхшаш товарлар бўйича ташқи савдо шартномалари нархлари; <input type="checkbox"/></p> <p>б) олиб чиқиладиган айнан ёки ўхшаш товарлар қиймати (таннархи) калькуляцияси бўйича нархлар; <input type="checkbox"/></p> <p>в) айнан бир хил ёки ўхшаш товарларни биржа нархлари котировкаси; <input type="checkbox"/></p> <p>г) тегишли минтақавий бозорлардаги олиб чиқилаётган товарлар бўйича нархлар; <input type="checkbox"/></p> <p>д) ўрнатилган тартибда амалга оширилган олиб чиқиладиган товар бўйича товар-қиймат экспертизани маълумоти бўйича нархлар. <input type="checkbox"/></p>		
7. Божхона қиймати аниқланган маълумотлар манбаси тавсифланади.:		9. Жой:
8. Декларация имзолаган шахс лавозими: Фамилияси, исми, шарифи : Телефон:		Сана:
<b>ДИҚҚАТ!</b>		Декларант имзоси ва муҳри
<p>Декларант божхона қийматини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги ва ушбу шаклда кўрсатилган барча маълумотлар учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Декларант божхона расмийлаштируви жараёнида маълум қилинган қийматни тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни ўз вақтида божхона органига тақдим этиши шарт.</p>		

ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ						
Божхона учун нусха	<b>ҚЎШИМЧА ВАРАҚ №</b>		<b>БКД-2 ШАКЛИ</b>			
	БЮД рўйхатга олиш рақами		Товар рақами	Товар рақами	Товар рақами	
	Божхона қайдлари учун		Товар коди	Товар коди	Товар коди	
	<b>Хисоблаш учун асос: Божхона органи тегишли қарорининг № _____ в. а. санаси _____</b>					
	10(а) олиб чиқилган айнан ёки ўхшаш товарлар бўйича ташқи савдо шартномалари нархлари:					
	а) келишувдаги валюта					
	б) сўмда					
	10(б) олиб чиқилган айнан ёки ўхшаш товарлар қиймати (таннархи) калькуляцияси бўйича нархлар:					
	а) ҳужжатда кўрсатилган валюта					
	б) сўмда					
10(в) айнан ёки ўхшаш товарлар учун нархларнинг биржа котировкалари бўйича нархлари:						
а) ҳужжатда кўрсатилган валюта						
б) сўмда						
10(г) тегишли минтақавий бозорларда олиб чиқилган товарлар бўйича нархлар:						
а) ҳужжатда кўрсатилган валюта						
б) сўмда						
10(д) белгиланган тартибда амалда оширилган олиб чиқилган товар бўйича товар-қиймат экспертизаси маълумоти бўйича нархлар:						
а) ҳужжатда кўрсатилган валюта						
б) сўмда						
11. Декларация имзолаган шахс лавозими: Фамилияси, исми, шарифи : Телефон:						
<b>ДИҚҚАТ!</b> Декларант божхона қийматини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги ва ушбу шаклда кўрсатилган барча маълумотлар учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Декларант божхона расмийлаштируви жараёнида маълум қилинган қийматни тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни ўз вақтида божхона органига тақдим этиши шарт.				Декларант имзоси ва муҳри  Сана		

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ  
МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**167** Умумий ўрта таълим мактаблари 11-синфлари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати мониторингини ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
5 майда 1804-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 15 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 473-сонли қарорига мувофиқ **қарор қилади:**

1. Умумий ўрта таълим мактаблари 11-синфлари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати мониторингини ўтказиш бўйича йўриқнома иловага кўра тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кун ўтгандан сўнг кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат тест маркази директори**

**Б. ИСМАИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 22 апрель,  
01-128/ҚҚ-сон

**Халқ таълими вазири в.в.б.**

**Р. АҲЛИДДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 22 апрель,  
16-сон

**Олий ва ўрта махсус Таълим  
вазирининг биринчи ўринбосари,  
Ўрта махсус, касб-хунар таълими  
Маркази директори**

**З. САТТАРОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 22 апрель,  
14/ҚҚ-сон

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат  
тест маркази, Халқ таълими вазирлиги,  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази-  
нинг 2008 йил 22 апрелдаги 01-128/ҚҚ,  
16 ва 14/ҚҚ-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Умумий ўрта таълим мактаблари 11-синфлари, академик  
лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг  
умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги  
даражаси ва сифати мониторингини ўтказиш бўйича  
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 473-сон ҳамда 2004 йил 24 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 293-сон қарорларига мувофиқ умумий ўрта таълим мактаблари 11-синфлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг (бундан кейин битирувчилар деб юритилади) умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати мониторингини ўтказиш (бундан кейин мониторинг деб юритилади) тартибини белгилайди.

**§ 1. Умумий қоидалар**

1. Мониторинг ҳар йили ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан кейин ДТМ деб юритилади) Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилади ҳамда ўтказилади. Мониторинг ўтказиш муддати тўғрисида таълимнинг тегишли ҳудудий органлари олдиндан огоҳлантирилади.

2. ДТМ директорининг буйруғи билан мониторинг ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар (бундан кейин ҳудуд деб юритилади) бўйича мониторинг гуруҳлари таркиби тасдиқланади.

**§ 2. Мониторинг ўтказиш мақсади ва вазифалари**

3. Мониторинг ўтказишнинг асосий мақсади умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини мунтазам

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

кузатиб бориш орқали битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифатига оид холис маълумотлар тўплаш, уларни таҳлил қилиш ҳамда улар асосида хулосалар тайёрлаб, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишлари учун таълимнинг бошқарув органларини ахборот билан таъминлаш.

4. Мониторинг ўтказишнинг асосий вазифалари:

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими Давлат таълим стандартлари талаблари асосида битирувчиларнинг ўқув режадаги умумтаълим фанларини ўзлаштириш даражаси ва сифати тўғрисида маълумотлар олиш, уларни таҳлил қилиш;

битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифатига таъсир этувчи омилларни ўрганиш;

битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати кўрсаткичлари орқали таълим бериш ҳолатини ўрганиш, тайёрланаётган кадрлар сифати бўйича хулосалар тайёрлаш.

### § 3. Мониторинг ўтказиш тартиби

5. Мониторинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудда фаолият кўрсатаётган умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўтказилади.

6. Мониторинг таълим муассасаларида ҳар ўқув йилининг тугаши арафасида 15 апрелдан 25 майгача бўлган муддатда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув режаларида белгиланган умумтаълим фанлари бўйича, таълим ва тайёрлов йўналишларини ҳисобга олган ҳолда учта фандан ўтказилади.

7. Мониторинг ўтказиш жараёни учун назорат турлари (тест синовлари, ёзма иш ва бошқалар) ДТМ томонидан белгиланади ва халқ таълими ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларига мониторинг бошланишидан икки ҳафта олдин маълум қилинади.

8. Мониторинг ўтказиш жараёнига гуруҳ раҳбари — ДТМ ходими раҳбарлик қилади. ДТМнинг вилоятлар бўйича вакиллари, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва халқ таълими ҳудудий бошқармалари вакиллари мониторинг ўтказишда бевосита иштирок этади.

Мониторинг жараёнига мониторинг гуруҳи раҳбарининг таклифига биноан ДТМ томонидан белгиланган ва вазирликлар билан келишилган жамоатчи экспертлар ҳам жалб этилиши мумкин.

9. Мониторинг ўтказиш учун таълим муассасаларини танлаб олиш усулига ёндошилиб, бунда таълим муассасалари ҳудудий жойлашуви, таълим муассасалари турлари, улардаги таълим тили, академик лицей ва касб-хунар коллежларида тайёрлов йўналишлари хусусиятлари эътиборга олинади.

10. Мониторинг ўтказиш учун умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маркази, туманлари кесимида) ихтиёрий (мактаблардан 10 та, академик лицейлардан 1 та, касб-хунар коллежларидан йўналишлар бўйича 7 та) танланади ва мониторинг натижалари таҳлили асосида битирувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати ҳақида хулоса чиқарилади.

11. Ҳудудий органларда мониторинг ўтказиш учун туманлар қуръа ташлаш йўли билан танланади.

12. Қуръа ташлаш қўйидаги икки босқичда амалга оширилади:

биринчи босқичда ҳудуд маркази ва туманлардан 2 таси танлаб олинади.

иккинчи босқичда таълим муассасалари танланади; бунда:

худуд марказида фаолият кўрсатаётган мактаблардан 4 таси (2 та ўзбек, 1 та рус ва 1 та фанларни чуқурлаштириб ўқитадиган мактаблар), 1 та академик лицей ва 1 та касб-хунар коллежи танлаб олинади;

танлаб олинган 2 та туманлардан алоҳида-алоҳида қуръа ташлаш йўли билан ҳар бир тумандан 3 тадан мактаб (1 та туман маркази, 2 та қишлоқ мактаблари) ва соҳалар бўйича 3 тадан касб-хунар коллежлари танлаб олинади.

Худудларда туманлар, таълим муассасалари ва ўқувчилар сонига қараб бу рақамлар ўзгариши мумкин.

13. Танланган касб-хунар коллежларида мониторинг ўтказиш учун бир хил йўналишлар танланади.

14. Мониторинг ўтказиш жараёнида академик лицей ёки касб-хунар коллежининг тугалланган семестри бўйича битирувчиларнинг олган баҳолари (мактабларда ўқувчиларнинг 3-чорак якунлари бўйича баҳолари) ва таълим муассасаси тўғрисида маълумотлар аввалдан ДТМда тайёрланган жадваллар асосида олинади. Битирувчилар учун назорат (тест синовлари, ёзма иш ва бошқалар) ишлари, ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида анкета-сўровлар ўтказилади.

15. Мониторинг гуруҳи томонидан таълим муассасасида битирувчи синф (гуруҳ) ўқувчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичларига асосан ўртача синф (гуруҳ — 1 та ёки 2 та) танланади.

16. Мониторинг жараёни бошлангунга қадар таълим муассасаси раҳбари, Халқ таълими вазирлиги ёки Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази вакиллари билан биргаликда мониторинг ўтказиладиган жойни, аудиториялар ва улардаги ўринлар сонини аниқлайди, мониторинг ўтказиш учун етарли шарт-шароитларни яратди. Ўқувчилар барча фанлардан тест синовлари ва ёзма ишларни бажаришлари учун ҳудудий халқ таълими бошқармаси, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ёки таълим муассасаси муҳри туширилган қоралама қоғозлар ва дафтарлар билан таъминландилар.

17. ДТМда тайёрланган жадваллар (шакллар) таълим муассасасининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарига тўлдириш учун топширилади.

18. Битирувчилар тест синовлари ёки ёзма ишни бошлашдан олдин, ДТМда тайёрланган сўров-анкеталарини тўлдирадилар (сўровлар ўтказиш муддати 10 — 15 минут);

19. Танланган синф (гуруҳ) битирувчиларидан ўқув режадаги умумтаълим фанларининг учтасидан Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан келишган ҳолда назорат иши (тест ёки ёзма иш) ўтказилади.

20. Ёзма иш ўтказиш учун:

аудитория раҳбари бошчилигида ёзма иш вариантлари ўқувчилар ёрдамида танланади ва тарқатилади ҳамда уларга тушунтиришлар берилади (15 минут);

ёзма ишларни бажариш соат 10<sup>00</sup> да бошланади. Доскага ёзма ишнинг бошланиш ва тугаш вақти ёзилади;

барча фанлар бўйича ёзма ишлар учун ўқувчиларга 2 астрономик соат берилади (ҳар бир фан учун 40 минутдан);

ёзма иш топшириқлари бажарилгандан сўнг, ўқувчиларнинг ишлари аудитория раҳбари томонидан ҳар бир фан бўйича алоҳида-алоҳида йиғиб олинади ва барча битирувчилар гувоҳлигида алоҳида конвертга солинади ва муҳрланади;

Ёзма иш натижалари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида жорий этилган баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Тест синовларини ўтказиш учун:

мухрланган қутилар аудитория раҳбари томонидан икки ўқувчи иштирокида очилади ва ўқувчиларга саволлар китоби, жавоблар варағи тарқатилади;

аудитория раҳбари томонидан тест синовларини бажариш, жавоблар варағини тўлдириш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилади (15 минут);

соат 10<sup>00</sup> да битирувчилар учун тест синовлари бошланади. Доскага тест синовларининг бошланиш ва тугаш вақти ёзилади;

барча фанлар бўйича тест синовларини бажариш учун ўқувчиларга икки астрономик соат берилади, жавоблар варағини тўлдириш учун 15 минут қўшимча вақт ажратилади. Тест синовларига ажратилган вақт тугаётганлиги тўғрисида аудитория раҳбари ўқувчиларни огоҳлантириб туради;

тест синовига берилган вақт тугагандан сўнг, саволлар китоби, жавоблар варағи аудитория раҳбари, кузатувчилар ва барча битирувчилар гувоҳлигида саналади, махсус конвертларга солинади ва мухрланади.

Тест натижалари тўғри жавоблар самарадорлиги бўйича баҳоланади.

21. Назорат ишлари жараёнида битирувчиларнинг ўзаро гаплашиши, саволлар китоби ёки жавоблар варағини алмаштиришлари, ёрдамчи воситалардан фойдаланишлари тақиқланади.

22. Ёзма иш ва тест синовлари ўтаётган хонага битирувчилар томонидан қоғоз, китоб, луғат ва уяли телефонлар олиб кириш ман этилади. Назорат ишлари бошлангандан кейин аудиторияга ҳеч ким киритилмайди ва назорат ишлари тугамагунча аудиториядан ҳеч ким чиқарилмайди.

Тартибни бузган битирувчиларга нисбатан далолатнома тузилиб, аудиториядан четлаштирилади ва натижаларни ҳисоблашда инобатга олинади.

23. Аудитория раҳбари ва кузатувчилари тест синовлари ва ёзма ишлар бажарилиш жараёнида ўқувчилар олдига бориши ва саволларига жавоб беришлари тақиқланади. Битирувчилар ёзма иш ёки тест синовларини бажараётган вақтда танланган гуруҳларнинг фан ўқитувчилари ҳам бу жараёнда иштирок этадилар, улар алоҳида хонада ўқитувчилар учун мўлжалланган сўров-анкеталарини тўлдирадилар.

#### § 4. Маълумотларнинг таҳлили

24. Таълим муассасаларидан олинган маълумотлар ДТМда таҳлил қилинади.

25. Ёзма ишлар, таълим муассасаларидан жалб этилган эксперт-ўқитувчилари томонидан ДТМ ходими кузатуви остида Давлат тест марказида текширилади ва натижалари таҳлил қилинади.

Ёзма ишлар фанлар бўйича алоҳида текширилади ва баҳоланади. Ёзма иш натижалари қайдномага кўчирилади.

26. Мониторинг жараёнида олинган маълумотлар, сўровнома натижалари асосида битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати кўрсаткичлари (фан қисмлари, таълим тури ва республика бўйича) статистик усуллар ёрдамида аниқланади ҳамда уларга таъсир этувчи омиллар ўрганилади.

27. Маълумотларнинг таҳлили асосида Республика умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати тўғрисида таҳлилий маълумотнома тайёрланади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,  
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**168 Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участ-  
калари, шунингдек, Қўнғирот участкаларига оид  
маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги Битим-  
ни бажариш доирасида қазиб олинган нефть ва газ хом ашё-  
сини олиб чиқишни божхона расмийлаштируви қоидаларини  
тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
5 майда 1805-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 15 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қону-  
нининг 6-моддаси, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Маҳсулот тақсимотида оид  
битимлар тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкама-  
сининг 2004 йил 11 июндаги 276-сонли «Маҳсулот тақсимотида оид битим шартла-  
рида Ўзбекистон Республикасининг Қандим гуруҳи, Хаузак, Шоди конларини очиш  
ва Устюрт минтақасида геология-қидирув ишларини ўтказиш тўғрисида»ги, 2004 йил  
14 сентябрдаги 428-сонли «Қандим гуруҳи конлари участкаси, Хаузак ва Шоди участ-  
калари, шунингдек Қўнғирот участкаси бўйича маҳсулот тақсимотида оид битимни  
бажариш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига асосан Ўзбекистон Рес-  
публикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар  
ва савдо вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунингдек,  
Қўнғирот участкаларига оид маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги  
Битимни бажариш доирасида қазиб олинган нефть ва газ хом ашёсини олиб чиқиш-  
ни божхона расмийлаштируви қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйха-  
тига олинган кундан кейинги ўн кунлик муддат тугаганидан сўнг кучга киради.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2008 йил 17 апрель,  
01-02/12-21-сон

**С. НОСИРОВ**

**Ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазири**

Тошкент ш.,  
2008 йил 17 апрель,  
ЭГ-01/10-1497-сон

**Э. ҒАНИЕВ**

**Иқтисодиёт вазири****Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 17 апрель,  
45-сон

Давлат божхона қўмитасининг, Ташқи  
иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва  
савдо вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги-  
нинг 2008 йил 17 апрелдаги 01-02/12-21,  
ЭГ-01/10-1497, 45-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари,  
шунингдек, Қўнғирот участкаларига оид маҳсулотни  
тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги Битимни бажариш  
доирасида қазиб олинган нефть ва газ хом ашёсини олиб  
чиқишни божхона расмийлаштируви  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси «Давлат Божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот тақсимотида оид битим шартларида Ўзбекистон Республикасининг Қандим гуруҳи, Хаузак, Шоди конларини очиш ва Устюрт минтақасида геология қидирув ишларини ўтказиш тўғрисида»ги 2004 йил 11 июндаги 276-сонли, «Қандим кон гуруҳ участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунингдек, Қўнғирот участкаларига оид маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги Битимни жорий этиш чоралари тўғрисида»ги 2004 йил 14 сентябрдаги 428-сонли қарорларига, Ўзбекистон Республикаси ва инвесторлар консорциумига кирувчи «Нефтяная компания Лукойл» очик акциядорлар жамияти ҳамда «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси ўртасидаги Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунингдек, Қўнғирот участкаларига оид маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги Битимга мувофиқ, кўрсатилган битим доирасида кесиб ўтадиган нефть ва газ хом ашёсининг божхона расмийлаштируви тартибини белгилайди.

1. Мазкур қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**МТБ** — Ўзбекистон Республикаси ва инвесторлар консорциумига кирувчи «Нефтяная компания Лукойл» очик акциядорлар жамияти ҳамда «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси ўртасидаги Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунингдек, Қўнғирот участкаларига оид маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги битим ва илова, шунингдек унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалари.

**Лукойл** — Британия Виргиния Ороллари қонунчилигига кўра юридик шахс ҳисобланувчи «ЛУКОЙЛ Оверсиз Узбекистан Лтд.» компанияси, шунингдек унинг ҳуқуқий ворислари ва йўл қўйиладиган цессионарлари. «Нефтяная компания «Лукойл»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни МТБ бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни топириш далолатномасига мувофиқ, мазкур компаниясига берилган.

**Оператор** — Ўзбекистон Республикасида МТБ бўйича ишларни бажаришни ташкил этиш учун тузилган ва 2004 йил 9 июлда рўйхатдан ўтган МЧЖ «ЛУКОЙЛ

Узбекистан Оперейтинг Компани». Оператор МТБга мувофиқ белгиланган божхона имтиёзлари ва преференцияларидан фойдаланади.

**Ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги.

**Инвестор** — «ЛУКОЙЛ Оверсиз Узбекистан Лтд» компанияси ва «Ўзбек-нефтегаз» Миллий холдинг компанияси билан биргаликда, шунингдек уларнинг ҳуқуқий ворислари ва йўл қўйиладиган цессионарлари.

**Маркетинг компанияси** — Британия Виргиния Ороллари қонун ҳужжатлари бўйича юридик шахс ҳисобланган Нефть ва газ хом ашёсини биргаликда сотишни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган «ЛУКОЙЛ Оверсиз Сапплай энд Трейдинг Лтд.» (LUKOIL Overseas Supply and Trading Ltd.).

**Нефть ва газ хом ашёси** — Нефть ва газ операцияларини амалга ошириш даврида контракт майдонларида топилган, қазиб ёки бошқа тарзда олинган, тайёрланган ва сақланган ҳамда тегишли етказиш жойига келтирилган нефть, табиий газ, конденсат, бошқа углеводород маҳсулотлари, шунингдек йўлдош моддалар.

**Инвесторнинг ваколатли шахси** — Инвестор томонидан тегишли тартибда ваколат берилган юридик ёки жисмоний шахс, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси давлат органларида МТБ доирасида Инвестор манфаатларини ифода этувчи Оператор ва Маркетинг компанияси.

**Маркетинг компаниясининг ваколатли шахси** — Маркетинг компанияси томонидан тегишли тартибда ваколат берилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси давлат органларида МТБ доирасида Маркетинг компаниясининг манфаатларини ифода этувчи юридик ёки жисмоний шахс.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарисига табиий газни олиб чиқиш экспорт божхона тартибда Ваколатли орган ва Инвесторнинг номидан ва топшириғи бўйича Маркетинг компанияси томонидан амалга оширилади.

Инвестор ва Ваколатли органга тегишли бўлган табиий газни олиб чиқиш Маркетинг компанияси томонидан, МТБнинг 14-моддасининг қоидаларга мувофиқ, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида экспорт шартномаларни рўйхатга олмаган ҳамда уларни ваколатли банк ва божхона органларида ҳисобга олмаган ҳолда, амалга оширилади.

3. Экспорт қилинаётган табиий газнинг божхона расмийлаштирилуви Маркетинг компанияси ёки Маркетинг компаниясининг ваколатли шахси томонидан амалга оширилади. Экспорт қилинаётган табиий газ ҳажми ва нархи МТБ қоидаларига ҳамда Қозоғистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси чегарасини кесиб ўтаётган МТБ доирасидаги табиий газ берилаётган Ўрта Осиё — Марказ ёки Бухоро — Урал газ қувурлари тизимларидаги газ ҳисоблаш тижорат ўлчов боғламасида Ўзбекистон Республикаси чегараси — DAF (Инкотермс — 2000 кейинги ўзгартишлар билан) шартларида Маркетинг компанияси томонидан тузилган табиий газ экспорти шартномаларининг шартларига мувофиқ белгиланади.

4. Экспертиза ўтказиш ва экспорт қилинаётган табиий газ учун маҳсулот келиб чиқиш давлат сертификатининг берилиши, «Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ (2000 йил 13 июль, рўйхат рақами 945 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 13-сон), Маркетинг компанияси ёки Маркетинг компаниясининг ваколатли шахси томонидан амалга оширилади.

5. Қувурлар орқали ўтадиган табиий газни декларация қилиш ва божхона расмийлаштирилуви икки босқичда ўтказилади.

6. Биринчи босқич: ҳар ойда, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан табиий газ ўтказилган ойдан аввалги ойнинг 20 санасидан кеч бўлмаган муддатда,

Маркетинг компанияси ёки Маркетинг компаниясининг ваколатли шахси божхона органига Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказишга мўлжалланган ҳисобот ойдаги табиий газ ҳажми бўйича вақтинчалик (тўлиқсиз) божхона юк декларациясини (кейинги ўринларда матнда — ВБЮД) ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- а) МТБ нусхаси (фақат дастлабки расмийлаштирувда тақдим этилади);
- б) табиий газ экспорти бўйича шартнома;
- в) божхона расмийлаштируви учун божлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- г) Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказишга мўлжалланган табиий газ ҳажми бўйича инвойс (ҳисоб-фактура);
- д) Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказишга мўлжалланган табиий газнинг етказиш давлати, оғирлиги, ҳажми, миқдори ва нархи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган Маркетинг компаниясининг ҳисоб-китоб ҳужжати.

7. Табиий газнинг экспорти учун ВБЮД «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га (1999 йил 3 ноябрь, рўйхат рақами 834 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 12-сон) мувофиқ, қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

- а) «Декларация тури» 1-устунининг учинчи кичик бўлимида «ВД» — вақтинчалик (тўлиқсиз) божхона юк декларацияси ҳарfli индекси кўрсатилади;
- б) «Жўнатувчи-экспортер» 2-устунида Ўзбекистон Республикасида Маркетинг компаниянинг жойлашган жойи кўрсатилади, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекнефтегаз» МХК ва «ЛУКОЙЛ Оверсиз Узбекистан Лтд.» (Ваколатли орган ва Инвестор топшириғи бўйича) топшириғи бўйича Маркетинг компанияси деб кўрсатилади;

в) 9 ва 28-устунларида — Ўзбекистон Республикасидаги Маркетинг компаниянинг реквизитлари кўрсатилади;

г) «Битим хусусияти» 24-устуннинг чап томонида «79» битим коди кўрсатилади;

д) «Чегарадаги божхона» 29-устунда Ўрта Осиё — Марказ ёки Бухоро — Урал газ қувурлари тизимининг газни ҳисобга олиш ўлчов тармоғини назорат қилувчи божхона постининг номи ва коди кўрсатилади;

е) «Юк жойлари ва товарларнинг баёни» 31-устунда:

табиий газнинг етказиб берилиш календарь оyi ва йили кўрсатилиб, «\_\_\_\_\_ муддатда етказиб бериш» ёзуви киритилади;

табиий газнинг кўрсатилган муддатда олиб чиқилиши мўлжалланаётганлигидан келиб чиқиб, унинг тахминий ҳажмлари кўрсатилади;

ж) «Процедура» 37-устунининг охириги икки рақамида «33» коди кўрсатилади;

з) «Қўшимча маълумот / тақдим этилаётган ҳужжатлар» 44 устунда:

3-рақам остида олиб чиқиш асоси сифатида МТБ, табиий газ контрактининг рақами, санаси ва суммаси кўрсатилади

8-рақам остида — Маркетинг компанияси ва Ваколатли орган, «Ўзбекнефтегаз» МХК, «ЛУКОЙЛ Оверсиз Узбекистан Лтд.» ўртасидаги топшириқ шартномасининг рақами ва санаси кўрсатилади;

и) «Божхона нархи» 45-устунда табиий газ экспорти контрактининг шартлари асосида божхона чегарасидан ўтказиш учун режалаштирилаётган табиий газ ҳажми бўйича белгиланадиган божхона нархи шартлари баён этилади;

к) ВБЮД баён этилишга лозим бўлган бошқа маълумотлар табиий газнинг режалаштирилаётган ҳажмига мўлжалланиб белгиланади.

Тўлиқ Божхона юк декларацияси (кейинги ўринларда матнда — БЮД) расмийлаштиришда тўлдириш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар бўлиши лозим ВБЮД поғоналари тўлдирилмайди.

8. ВБЮД ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва божхона расмийлаштируви расмийлаштирадиган божхона пости томонидан, БЮДни тақдим этиш орқали декларация қилинаётган товарларга нисбатан қўлланиладиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

9. Тўлиқ БЮДнинг тақдим этиш муддати ВБЮДда кўрсатилган ҳисоб-китоб даври тугашидан икки ойдан ошиб кетмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда (тўлиқ БЮДни тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тақдим этилиши асосланган сабабларга кўра кечикиши), БЮДни тақдим этиш муддати расмийлаштирадиган божхона пости бошлиғининг рухсати билан 30 кунгача узайтирилиши мумкин. Бунда Маркетинг компанияси ва/ёки Маркетинг компаниясининг ваколатли шахси расмийлаштирадиган божхона постига тўлиқ БЮДни тақдим этиш имкони мавжуд эмаслигининг сабабларини кўрсатган ҳолда, ёзма равишда мурожаат қилади.

10. Иккинчи босқичда, божхона органи томонидан ВБЮД қабул қилинадиган кунда амал қилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, тўлиқ БЮДнинг расмийлаштирилиши амалга оширилади.

БЮД билан бир вақтда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) ВБЮД;

б) Ўзбекистон Республикаси газ транспорт компанияси ва Оператор томонидан имзоланган, Ўзбекистон Республикасидаги божхона чегарасида ўзбек табиий газини қабул қилиш далолатномаси;

в) Маркетинг компанияси ва харидор томонидан имзоланган, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасида Инвестор ва Ваколатли органнинг табиий газни қабул қилиш тижорат далолатномаси;

г) ҳисобот ойда табиий газни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилган амалдаги ҳажмига инвойс (ҳисоб-фактура);

д) Маркетинг компаниясининг ҳисобот ойдаги табиий газни етказиб бериш тўғрисидаги маълумотномаси Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан амалда ўтказилган табиий газни етказиб бериш давлати, оғирлиги, миқдори ва нархи тўғрисидаги ахборотлар ва хорижий банкдаги биргаликдаги ҳисоб рақами — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарисида жойлашган хорижий банкида Маркетинг компанияси томонидан очилаётган ҳисоб рақами, учинчи шахсларга нефть ва газ хом ашёсини сотишдан келиб тушган барча маблағларни бевосита ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияга эга ваколатли банкдаги биргаликдаги ҳисоб рақамига ушбу маблағларни кейинчалик ўтказиш учун мўлжалланган ҳисоб рақами ҳамда Ўзбекистон банкидаги биргаликдаги ҳисоб рақами — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияга эга ваколатли банкда Маркетинг компанияси томонидан очилаётган ҳисоб рақами, хорижий банкдаги Биргаликдаги ҳисоб рақамидан барча маблағларни ўтказиш учун мўлжалланган ҳисоб рақами тўғрисидаги маълумотлар билан биргаликда;

е) мувофиқлик сертификати;

ж) ваколатли банк томонидан ҳисоб-китоблар маълумотномаси (махсулот тақсимотида оид Битимларни амалга ошириш доирасида) Ҳисоб-китоблар маълумотномасини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг (2002 йил 14 май, рўйхат

рақами 1137 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон) 3-сонли иловасига мувофиқ берилади.

11. БЮД «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га (1999 йил 3 ноябрь, рўйхат рақами 834 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 12-сон) мувофиқ, ВБЮД тўлдирилишини ва қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

а) «Умумий декларация/аввалги ҳужжат» 40-устунда ВБЮДнинг маълумот рақами кўрсатилади;

б) «Божхона назорати» Д-устунида божхона органи ходими қўшимча равишда табиий газнинг етказиб берилган ойнанинг охири санасини қўяди, уни имзолайди, шахсий рақамли муҳри билан тасдиқлайди ва тўлиқ БЮДнинг электрон нусхасига киритади.

12. БЮДда ВБЮДдагидек бўлган маълумот рақами қўйилади, бунда улар бир-бирининг ажралмас қисми деб ҳисобланади.

13. БЮД ва ВБЮД кўрсатилган табиий газнинг амалдаги ҳажмларида фарқ бўлганда, табиий газни амалдаги жойидан жойга кўчиш тўғрисидаги декларация ҳужжатларни тақдим қилишда ВБЮД қайта расмийлаштириши амалга оширилмайди.

Бунда, агар БЮД мувофиқ божхона тўловлари ҳисобланган ва тўлашга мажбур бўлган сумма, ВБЮД бўйича тўланган суммадан ошиқ бўлган ҳолатда, уларга қўшимча ҳақ тўланади. Божхона тўловларга қўшимча ҳақ Ўзбекистон Республикаси божхона органи БЮД қабул қилишдан олдин ёки бир вақтда тўловчи томонидан амалга оширилади.

— Агар, БЮД мувофиқ божхона тўловлари ҳисобланган ва тўлашга мажбур бўлган сумма, ВБЮД бўйича тўланган суммадан кам бўлган ҳолатда, ортиқча божхона божи тўловларини қайтариб олиш ва келгусида тўлов ҳисобларига ўтказиш Божхона ортиқча тўловларни қайтариб ёки ундириб олиш тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ (2000 йил 14 июль, рўйхат рақами 947 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 13-сон).

14. Агар, ВБЮД бўйича ўтказиб кўчиришга баён этилган табиий газ экспорт етказилиши амалга оширилмаган ҳолатда, ВБЮД бекор қилинади. Бунда божхона божи тўловларини қайтариб олиниши Божхона ортиқча тўловларни қайтариб ёки ундириб олиш тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ (2000 йил 14 июль, рўйхат рақами 947 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 13-сон) амалга оширилади.

15. Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали Маркетинг компанияси томонидан ўтказилган табиий газ ҳисоби, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан берилган 00000016 код асосида олиб борилади.

16. МТБнинг 20.5-бандига мувофиқ нефть ва газ хом ашёсининг бошқа турларини олиб чиқиш божхона расмийлаштиришни ошириш бўйича хусусиятлари мазкур қоидага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг белгиланади.

17. Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Оператор билан келишилган.

*Молия вазири*

*Р. АЗИМОВ*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 17 апрель*

*Марказий банки  
Бошқаруви раиси*

*Ф. МУЛЛАЖОНОВ*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 17 апрель*

*«Лукойл Узбекистан Оперейтинг  
компани» МЧЖ бош директори*

*С. НИКИФОРОВ*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 17 апрель*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**169** Пуллик тиббий хизмат кўрсатишга босқичма-босқич  
ўтаётган даволаш-профилактика муассасаларини  
молиялаш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
5 майда 679-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 15 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 380-модда) қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1999 йил 2 мартда 20-сон билан тасдиқланган «Пуллик тиббий хизмат кўрсатишга босқичма-босқич ўтаётган даволаш-профилактика муассасаларини молиялаш тартиби»нинг (1999 йил 22 март, рўйхат рақами 679) V бўлими чиқарилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 23 апрель,  
35-сон*

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**Ф. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 23 апрель,  
5-сон

—

+



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий**  
**ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2008 йил 3 майдан 8 майгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 2 майдаги 52, 46, ЭГ-01/19-2784, 01-02/8-38-сонли қарори.*

**2008 йил 3 майда 1802-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 13 майдан кучга киради).**

2. «Табиий монополия субъектлари томонидан асосий воситаларни сотиб олиш ёки бериш бўйича битимларни амалга ошириш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартишлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 25 апрелдаги 8-сонли қарори.*

**2008 йил 3 майда 913-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 13 майдан кучга киради).**

3. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкларга ломбард кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 12 апрелдаги 9/8-сонли қарори.*

**2008 йил 3 майда 501-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 13 майдан кучга киради).**

4. «Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 21 апрелдаги 01-02/19-34-сонли қарори.*

**2008 йил 5 майда 1803-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 майдан кучга киради).**

5. «Умумий ўрта таълим мактаблари 11-синфлари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати мониторингини ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2008 йил 22 апрелдаги 01-128/ҚК, 16, 14/ҚК-сонли қарори.*

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

*2008 йил 5 майда 1804-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 майдан кучга киради).*

6. «Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунингдек, Қўнғирот участкаларига оид маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги Битимни бажариш доирасида қазиб олинган нефть ва газ хом ашёсини олиб чиқишни божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2008 йил 17 апрелдаги 01-02/12-21, ЭГ-01/10-1497, 45-сонли қарори.*

*2008 йил 5 майда 1805-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 майдан кучга киради).*

7. «Пуллик тиббий хизмат кўрсатишга босқичма-босқич ўтаётган даволаш-профилактика муассасаларини молиялаш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 23 апрелдаги 35, 5-сонли қарори.*

*2008 йил 5 майда 679-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 майдан кучга киради).*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жихозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхати, 1 ва 2-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 1669, 2007 йил 31 март), (рўйхат рақами 1669-1, 2008 йил 4 март), (рўйхат рақами 1669-2, 2008 йил 26 март).*

*Адлия вазирининг 2008 йил 3 майдаги 88-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
МАЪЛУМОТЛАРИ  
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



## ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

**LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:**

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlани;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

**WWW.LEX.UZ**

сайтига марҳамат қилинг

-

+